

ISSN 2181-9521

№ 10-son, 2019



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# “ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ СТАНДАРТЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ

*Судьялар олий мактаби фаолиятида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, судьялар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этади.*

*2019 йилнинг 3-4 октябрь кунлари Судьялар олий мактабида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Марказий Осиё учун Минтақавий бўлини маси, Халқаро юристлар комиссияси ҳамкорлигида “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ соҳасидаги халқаро стандартлар” мавзусида икки кунлик халқаро семинар ташкил этилди.*

*Унда иштирок этган Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси, делегация бошлиғи Эдуард Стипрайс, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг доимий координатори Хелена Фрейзер, Қозоғистон Республикасининг Қозоғистондаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш жамғармаси Президенти Зауреш Батталова, Халқаро Юристлар Комиссияси экспертлари Гульнора Ишанханова, Тимур Шакиров, Дильфуза Куролова, Тимоти Фиш Ходсон, Дмитрий Нурумов каби халқаро ва маҳаллий мутахассислар ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.*



**Эдуард СТИПРАЙС**, *Европа Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи, элчи:*

– Ўзбекистон бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича муҳим халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари миллий қонунчиликка нисбатан устунлигини тан олади. Бу қоидаларга риоя этилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва халқаро инвесторларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилади. Ўз навбатида мамлакатни босқичма-босқич ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини рағбатлантириб бориш ҳамда бу борадаги фаолиятни кенг тарғиб этишни йўлга қўйиб келмоқда. Бу эса судьяларнинг қарорлари халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига жавоб бера олишини ва шунга мувофиқ бўлишини ҳамда суд ҳокимиятидан ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан ҳуқуқий ғимоя қилиш воситасини таъминлашларини талаб этади.

# ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СЕМИНАР-ТРЕНИНГДАН РЕПОРТАЖ

**Ришард КОМЕНДА, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Марказий Осиё учун Минтақавий бўлинмаси вакили:**

– Ўзбекистон 1995 йилдан бери Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пакт талабларини бажаришни ўзининг зиммасига олган. Ўзбекистон бугунги кунда Пакт талабларини бажарилиши юзасидан учта миллий маърузани тақдим этди. Учинчи миллий маъруза 2019 йилда тақдим этилган бўлиб, у 2020 йилдан кейин кўриб чиқилиши маълум қилинди.

Бундан ташқари, тренинг ўтказилиши халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган нормаларининг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама тушуниш, бу орқали Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажарилишининг кафолатларини таъминлашга амалий ҳисса қўшади.



**Тимур Шакиров, Халқаро юристлар комиссиясининг ҳуқуқий масалалар бўйича катта маслаҳатчиси:**

– Семинар-тренингда иштирок этган маҳаллий ва хорижий экспертларнинг эътироф этишича, айти пайтдаги суд амалиёти Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларининг жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги ва республикада одил судловнинг йўлга қўйилаётганлигидан далолатдир. Албатта, бугун биз ўз олдимизга кенг қамровли мақсадларни қўйганмиз ва унга эришяпмиз деб ўйлайман. Режадаги масалаларимизнинг ҳар бирида қўйилган мақсадларга алоҳида тўхталиб, одил судлов тизими иштирокчилари, яъни суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, юристлар ва фуқаролик жамияти вакилларининг бу соҳадаги салоҳиятини янада ривожлантириш орқали тизимда янада янги лойиҳалар ва ўзгаришларни йўлга қўйишни таъминлаш ҳам кўзда тутилган.



Давоми 61-бетда.

**«ODILLIK MEZONI»  
илмий-амалий,  
ҳуқуқий журнал**

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

**Кенгаш раиси**  
Убайдулла МИНГБОЕВ

**Кенгаш аъзолари**  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДОРОВ  
Акмал МУРОДОВ  
Икром МУСЛИМОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Маъруф ТАЖИБОЕВ

**Бош муҳаррир**  
Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**  
Жамила ЭШОНҚУЛОВА

**Саҳифаловчи дизайнер**  
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори  
билан юридик фанлар бўйича диссерта-  
циялар асосий илмий натижаларини чоп  
этиш тавсия этилган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил  
27 августда 0972-рақам билан  
қайта рўйхатдан ўтган.  
**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.  
Журналда эълон қилинган материал-  
лардан фойдаланилганда, манба қайд  
этилиши керак.

Босишга 08.11.2019 да рухсат берилди.  
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок  
Буюртма № 12  
Адади 1800

«Aldin-group» МЧЖ босмаҳонасида  
чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент  
шаҳри, Шайхонтохур тумани,  
Олмазор кўчаси, 1-уй

# МУНДАРИЖА

Кун мавзуси

6-бет



**Демократик  
сайловлар  
ва инсон  
ҳуқуқлари**

Мулоҳаза учун мавзу

10-бет

**Судья ҳал қилув  
қарорини қачон  
ёзиши керак?**



Қиёсий таҳлил

16-бет



**Хорижий  
давлатларда  
суд назорати  
институти**

Таҳлил ва тақлиф

22-бет

**Судда давлат  
айбловчисининг  
музокара нутқини  
тақомиллаштириш**



Халқаро ҳамкорлик

28-бет



**Халқаро  
юристар  
иттифоқи:  
муштарак  
мақсадлар  
сарии**

Сафар таассуротлари 30-бет



Хитой Халқ  
Республикаси  
суд тизимининг  
ўзига хос  
хусусиятлари

Мутахассис мулоҳазаси 34-бет

Илмий-тадқиқот  
ишларида  
шартномавий-  
ҳуқуқий асослар:  
таҳлил ва қиёс



Менинг фикрим 38-бет



Судлар фаолиятида  
ахборот-  
коммуникацион  
технологияларидан  
фойдаланишнинг  
ҳуқуқий асослари:  
муаммо ва ечим

Ибрат 41-бет

Қозилик  
ишларининг  
дастурига  
айланган  
мақтуб



Важная тема 42-бет



Некоторые вопросы  
совершенствования  
гражданского  
законодательства:  
способы обеспечения  
обязательств

Судебная реформа 48-бет



Основные этапы  
становления  
судебной власти  
в Республике  
Каракалпакстан

Процесс 51-бет

Особое производство  
в судах по  
гражданским делам  
как один из способов  
правовой защиты  
граждан



Foreign experience 56-бет



Significance  
of interactive  
learning

the moral face of a civil servant 58-бет



Legal and  
spiritual  
aspects  
of the  
morality of  
civil servants

Фахрийлар фахримиз 62-бет

Ибратли умр соҳибаси





**Худоёр МАМАТОВ,**  
Марказий сайлов  
комиссияси котибияти  
раҳбари, юридик фанлар  
доктори, профессор.

# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

*Демократик тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мустақил Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимизнинг манфаатлари кўзланган буюк ислохотларни амалга оширишдир. Мамлакатимиз миллий тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти замирида ҳам, мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини ва адолатли бошқарув тизимини вужудга келтириш каби инсонпарвар мақсадлар мужассам.*

Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, унинг иккинчи боб 13 моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” дейилган.

Инсон ҳуқуқлари — ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезон. Шунинг учун ҳам,

халқаро ва миллий ҳуқуқий тизимда инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилади. Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлардан таркиб топган.

Инсон ҳуқуқлари ер юзида ҳаётнинг тўлақонлилигини белгилайди ҳамда миллатлар маданиятларининг ажралмас қисми, инсоният маънавий-ҳуқуқий оламининг энг юқори даражадаги кўриниши бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири — юртимизда демократик, ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини, шу жумладан конституциявий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлашнинг ҳақиқий тизимини яратишдан иборат.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг рўйхати ва мазмуни 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур ҳужжат одатда дунёнинг виждони, инсоният маънавиятининг эталони деб номланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ирқи, тана ранги,



жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи-назар ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларсиз ва ўз шахсий дахлсизлиги учун ҳадиксирамай яшаш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги, адолатли ва бутун дунёда тинчликка бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам, ҳозирги замон дунёсининг маънавий қадриятлари орасида умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва халқаро конвенцияларда ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари конституцияларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари фундаментал ва ажралмас ҳуқуқлар сифатида онгимизга сингиб бормоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган самарали ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда миллий сайлов тизими ҳам мамлакатимизда тарихан шаклланган ва сўнгги йилларда юксак даражага кўтарилган миллий қадриятларимизга, бой давлатчилик тажрибамизга, халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган сайловга оид демократик тамойилларга ҳамда ривожланган демократик-ҳуқуқий давлатларнинг миллий манфаатларимизга мос келувчи, адолатли сайловларни ўтказиш борасидаги кўп йиллик тажрибасига монанд такомиллашиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари — бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзига жамлаган кенг қамровли тушунча бўлса, фуқаронинг сиёсий ҳуқуқлари унинг ажралмас қисмидир. Сиёсий ҳуқуқларни таъминлаш эса, энг аввало очиқ ва ошқора ташкил этиладиган сайловларда намоён бўлади. Аслида, сайловлар демократик қадрият бўлиб, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун кенг сиёсий майдон яратди. Шу боисдан ҳам, инсон ҳуқуқларини, шу жумладан унинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш мустақиллигимиз қомуси бўлмиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва мақсадига айланиб улгурган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида: “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматида киришда тенг ҳуқуққа эга. Халқ иродаси давлат (ҳукумат) ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим.



Бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим” лиги қатъий белгилаб қўйилган.

Энди, ушбу ноёб, умумэтироф этилган инсонпарвар халқаро ҳуқуқ нормалари бизнинг миллий қонунчилигимизда қай даражада акс этганлигига эътибор қаратамиз.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

**Иккинчидан,** Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар”.

**Учинчидан,** Конституциянинг 18-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши,

эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи-назар, қонун олдида тенгдирлар”.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир”.

**Бешинчидан,** Сайлов кодексининг 7-моддасига мувофиқ, “Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади”.

**Олтинчидан,** Сайлов кодексининг 8-моддасига мувофиқ, “Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошқора амалга оширади. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилади.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради. Сайлов комиссияларининг мажлислари

очик ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки Сайлов кодексига белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилинади. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга”.

**Еттинчидан,** Сайлов кодексининг 8-моддасига мувофиқ, “Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов Кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади. Масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиял тарзда амалга оширилади. Сайлов комиссиялари номзодларга, сиёсий партияларга сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитларни, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов яқунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради”.

Шу каби халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган, Ўзбекистоннинг миллий манфа-



атлари ва кадриятларига зид бўлмаган нормаларнинг миллий қонунчилигимизда акс этганлигини кўплаб мисоллар орқали ёритиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган асосий қоидаларни миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилган.

Эътиборлиси, юртимизда шу асосда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида ўзига хос миллий тизим яратилган ва бу масалада махсус миллий институтлар ташкил этилган. Ўзбекистон декларация асосида қабул қилинган халқаро конвенцияларни ратификация қилиб, инсон ҳуқуқи соҳасида умумэтироф этилган тамойилларга содиқлигини намоён этмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу гоа асосида янада ривожланмоқда.

2019 йил 22 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига "Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар" шиори остида старт берилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, ҳудудларда ташкил этилган барча даражадаги сайлов комиссиялари томонидан ўз фаолиятларида мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига қатъий амал қилган ҳолда сайловни очиқ ошкора, миллий қонунларимиз, бой тажрибамиз ва умумэтироф этилган халқаро стандартлар талабларига мос равишда юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ўз ваколатлари доирасида барча даражадаги сайлов комиссиялари ишига яқиндан кўмак бермоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак сайловлар мамлакатимиз миллий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқимиз ўзи танлаган юксалиш йўлидан илдам бораётганлигини, бирдамлигини, ислохотларнинг орқага қайтмас тус олганлигини, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти янада юксалиб, ижтимоий фаоллиги ортганлигини, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланиб бораётганлигини дунё ҳамжамиятига яна бир бора намоён этади.

## ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ СУДЬЯ НАМУНАЛИ ХУЛҚҚА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ...

**Фазлиддин ХИДИРОВ,**

*Судьялар олий мактабининг  
Маъмурий йўналиш  
магистранти*



Суд этикаси дейганда суд ишларини адолатли ҳал қилиш фаолиятининг маънавий асослари тушунилади. Бундан судьялар ва суд тизими ходимларининг ўз ваколатлари-

ни амалга ошириш давомида нафақат моддий ва процессуал нормаларга, балки одоб-ахлоқ қоидаларига, яъни суд этикасига ҳам қатъий риоя этиш мажбурияти англашилади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан 2018 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси судьяларининг одоб-ахлоқ кодекси янги таҳрири қабул қилинди. Мазкур кодекс ҳар бир судья учун одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида ва хизматдан ташқари вақтда мажбурий бўлган, юксак одоб-ахлоқ талабларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қоидаларига, одил судлов ва судьялар одоб-ахлоқ соҳасидаги халқаро стандартларга асосланган хулқ-атвор қоидаларини белгилайди.

2019 йилнинг 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоев мамлакатимиз судьялари ва суд тизими ходимларига "касбий масъулиятимиз мезонлари" мавзусида Мурожаат билан чиқди.

Устозимиз ўз мурожаатларида мамлакатимиз судьялари ва суд тизими ходимлари амал қилиши лозим бўлган бешта асосий устувор йўналишни таъкидлаб ўтдилар. Мазкур йўналишларни асос сифатида коррупцияга қарши мурасиз курашиш, судьялар ва суд тизими ходимлари ўртасида китобхонлик кунини жорий этиш, тизимда самарали тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш, меҳнат интизомига риоя қилиш ҳамда судьялар иш фаолиятида адолат, ҳалоллик, поклик ва ҳақиқатни дастуриламал қилиб олишлари шартлиги таъкидланди. Айниқса, Убайдулла Қурбоновичнинг "кейинги пайтларда тўй-ҳашамларда айримларимиз ўзимизни бошқаларга кўз-кўз қилиш билан овора бўлаёلمиз. Ҳаттоки, баъзиларимиз бошқаларда йўқ қимматбаҳо машиналарни миниб бориб, кимларнингдир эътиборини тортишгача бораёلمиз. Айримлар тўйларга бориб спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, қониқмай, тўйдан чиқиб қайсидир ресторанларда яна ичишни давом эттириш ҳоллари, участка нозирларига бўйсунмасдан жанжал чиқаришларини қандай изоҳлаш керак. Минг афсуски, бу ҳолатлар яхшиликка олиб келмаслиги аниқ..." деган фикр-мулоҳазалари менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Минг афсуски, бу ҳолатлар судья касб этикасига мутлақо зид.

Хулоса қилиб айтганда, судьялар ўз иш фаолиятларини амалга оширишда касб этикасига қатъий риоя қилишлари, ҳаётда ҳалоллик, инсонпарварлик, адолатни беғараз амалга оширишни бош мақсад деб билишлари керак.



**Маъруф ТАЖИБАЕВ,**  
Судьялар олий мактаби  
доценти в.в.б.

# СУДЬЯ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ ҚАЧОН ЁЗИШИ КЕРАК?

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.**

**У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси**

Яқиндагина бир вилоят суди судьяси билан суҳбатлашиб қолганимда у менга қуйидагиларни гапириб берди. Айтишига қараганда, у киши икки-уч йилдан буён меҳнат таътилидан тўлиқ фойдаланмаган. Бу йилги меҳнат таътилидан унумли фойдаланишни мақсад қилиб шу ойдан меҳнат таътилига чиқибди. Ва дам олишга кетишдан олдин ўтган ойда кўрган суд ишларидан 20 та эълон қилинган ҳал қилув қарорини ёзиб улгурмаганлиги сабабли қарорларни ёзиб тарафларга бериши лозимлигини, ана шунда меҳнат таътилидан тўлиқ фойдаланишини, хотиржам дам олишини айтди.

Тўғриси, мен судьянинг бу гапларини эшитдим, мулоҳазага чулғандим. Аслида судья ҳал қилув қарорини қачон ёзиши керак, низо юзасидан суд муҳокамаси тугагандан кейинми ёки...? Бу ниҳоятда жиддий саволга жавоб топиш мақсадида амалда фаолият юритиб келаётган бир қатор фуқаролик ишлари бўйича судьялар билан фикр-мулоҳазалар алмашдим. Маълум бўлишича, суд қарорини қачон ёзиш кераклиги юзасидан турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, айрим судьялар қонунда белгиланган муддат яъни, ҳал қилув қарори эълон қилинган кундан эътиборан 5 кун мобайнида ёзишини, айримлари эса, унинг иш юритувида фуқаролик ишлари кўплиги сабабли қарорларни муддатида ёзишга улгурмаётганлигини, фақат ҳал қилув қарорини кириш ва хулоса қисмини тарафларга беришни вақтида бажараётганлигини, яна бошқа судьялар “ҳаракат қилаётганлигини”, баъзилари эса суд ҳал қилув қарорини айнан қачондан бошлаб ёзишни ўйлаб кўрмаганлигини таъкид-

лашди. Судьяларимизнинг айримлари, тарафлар музокара сўзларини айтишгунга қадар ҳал қилув қарорини деярли тайёр қилаётганлигини билдиришди.

Кейинги пайтларда юқори инстанция судларига келаётган муурожаатларга эътибор қаратадиган бўлсак, нафақат ҳал қилув қарори вақтида берилмаётганлиги, балки ҳал қилув қароридаги хатоликлар, жумлаларнинг нотўғри ёзилаётгани, асосланмаганлиги, ҳал қилув қарорининг хулоса қисми билан асослантирувчи қисмлари бир-бирига мос келмаслиги каби шикоятлар келиб тушаётганлигидан далолат беради. Ҳақиқатдан ҳам, баъзи судьялар томонидан ёзилаётган ҳал қилув қарорлари, асослантириш ва хулоса қисмларига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бериши мушкул. Ундаги ғализ ва тушунарсиз жумлалар тарафларнинг ғашини келтириши, табиий.

Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун амалий мисол келтирамиз.

**Туманлараро суди судьяси ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида, бефарқлик ва эътиборсизлик оқибатида даъвогар Хасан Ойбекович Исоқовни жавобгарлар Ойдин Ойбековна Исоқова ва бошқаларга (исми шарифи ўзгартирилган) нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ва мерос мулкни бўлиб бериш ҳақидаги фуқаролик ишида тарафларнинг марҳум Ойбек Дадаевнинг мулкига меросхўр деб топиш ўрнига, “марҳум Хасан Ойбекович Исоқовнинг уй-жойига нисбатан”**

### **деб кўрсатиб, тирик одамни ўлганга чиқариб қўпол хатога ўй қўйган.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда<sup>1</sup> Президентимиз Шавкат Мирзиёев, адолат кўргони – қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкинлигини, касбий маҳорат ва маданиятни ошириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш кўриш – ҳар бир судьянинг энг устувор вазифаси бўлмоғи лозимлигини, судлар томонидан қабул қилинган ҳар бир қарор, энг аввало, адолатли, қонуний ва асосли бўлиши шартлиги, шундагина одамларимизда ҳар қандай ҳолатда ҳам адолат қарор топишига бўлган ишонч янада мустаҳкамланишини таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига<sup>2</sup> асосан ташкил этилган Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг олдида қўйилган асосий вазифалардан бири – инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш орқали бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган судьяларни тайёрлашдир. Бу эса ўз навбатида олий мактабда қайта тайёрланган ёки судьяликка ўқиган номзодларнинг ҳал қилув қарорларини ёзиш бўйича тажрибаси юқори бўлиши шарт эканлигини билдиради. Судьялар олий мактаби томонидан мазкур вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, тингловчилар дарс жадвалларига бевосита ушбу йўналишда ўқув дастурлари киритилган. Малакали ва тажрибали судьялар шунингдек, бошқа мутахассисларни жалб этган ҳолда, уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу муҳим масалада айрим ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг суд қарорларини тайёрлаш бўйича амалиётининг ижобий то-



монларини жорий қилиш ҳам мақсад қилиб олинган.

Ўзингизга маълумки, мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқшуносларни етказиб берувчи олий ўқув юртларида алоҳида судьяларни тайёрлайдиган факультет ёки бўлимлар мавжуд эмас. Бугунги кунга қадар судьялар судьялик лавозимини эгаллаганидан кейингина суд қарорларини ёзишни амалиётдан ўрганиб келган. Эҳтимол шунинг учун ҳам суд қарорларини ёзишда судьяларимизнинг билимлари талаб даражасида эмасдир.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш керакки, судьялик заҳирасига олинган номзодлар муқаддам ҳам малака ошириш марказларида ўқитилган ва уларга судьяликка ўтишга тайёр деган сертификатлар берилган, лекин суд қарорларини ёзиш бўйича чуқур билим берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, унинг талабларига кўра, эндиликда судья томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорларини суд мажлиси иштирокчиларига тушунтириш институти жорий этилди<sup>4</sup>. Фармон талабларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, судья ҳал қилув қарорини амалдаги қонун нормаларига мувофиқ ҳар томонлама асосланган ҳолда хатоларсиз ёзиши лозим. Бунинг учун, судья бу борада етарли тажриба ва билимга эга бўлиши талаб қилинади. Акс ҳолда судья суд процесининг иштирокчилари олдида уялиб қолиши мумкин.

Ҳал қилув қарорини қачон ёзиш керак деган саволга жавоб беришдан олдин мазкур савол доирасидаги қонунчилик ва қонун

ости ҳужжатларига эътиборни қаратишимиз лозим бўлади. Хўш, амалда суд қарорларини ёзиш бўйича қўлланма ёки дарслик борми? Бор албатта, лекин улардан судьяларимиз тўғри фойдаланишмаяптими? Бу саволга албатта жавоб бериш мушкул. Агар ҳа фойдаланмоқда десак, суд процесси иштирокчиларидан шикоятлар келмаган бўлар эди. Шуни ҳам тан олиш керак-ки, ўтган бир неча йил мобайнида ҳал қилув қарорлари ўз вақтида ёзилмаганлиги сабабли тегишли тарафларга берилмаган. Қарорлар матнидаги ғализликлар, уларни асослаш жараёнида қонун нормаларини қўллашдаги хатоликлар устидан шикоятлар оз бўлсада учраб турибди.

Суд ҳал қилув қарорларининг мазмун моҳияти акс эттирилган қонун ва қонун ости ҳужжатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, қуйидагиларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Унинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, 2018 йил 1 апрелидан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 2019 йил 24 майдаги 12-сонли қарориди ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раси ўринбосари Х.Ёдгоров ва бошқаларнинг “Суднинг ҳал қилув қарорларини тузиш бўйича амалий қўлланма” номли рисоласини ҳамда айрим дарсликларни келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, судлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган, шунингдек ҳал қилув қарори биринчи инстанция суди томонидан ишни даъво ва алоҳида иш юритиш тартибида мазмунан кўриш натижалари бўйича қабул қиладиган суд ҳужжати ҳисобланиши кўрсатилган.

Асосий Қонуниимизнинг 110-моддаси талабларига мувофиқ, судлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий эканлиги белгиланган.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятидан ташқари бирон-бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжати Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинмайди.

Ана шундай кучга эга бўлган ҳужжатни қабул қилишга ваколатли бўлган, юксак мавқели ва ўз навбатида жуда катта масъулиятли судьяларимиз қабул қилинаётган ҳужжатларга беътибор ва беписанд бўлишлари мумкин эмас.

Судья одил судловни амалга оширишда мустақилдир ва у фақат қонунга бўйсунди, унинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирор-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлиши ҳам юқорида қайд этилган қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Судья мазкур мустақилликни нотўғри тушунмаслиги шарт, яъниким, у низо юзасидан хулосага келишда фақат тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлагандан кейингина тўхтамга келишга мажбурдир.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 249-моддаси талабларига мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори ишнинг суд муҳокамаси туганидан кейин дарҳол қабул қилиниши, алоҳида ҳолларда, ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан беш кунга кечиктирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмлари иш муҳокамаси тугалланган мажлисининг ўзидаёқ эълон қилиниши керак.

Иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг санаси, у эълон қилинган кун ҳисобланади. Буни бошқача талқин қилиш



мумкин эмас. Яъни судья қабул қилган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисми судья маслаҳатхонадан чиқиши билан эълон қилиши шартлиги ҳамда кириш ва хулоса қисмидан иборат бўлган ҳал қилув қарори раислик қилувчи томонидан имзоланиб, ишга тикиб қўйилиши, ўта мураккаб ишлар бўйича ҳал қилув қарорининг тўлиқ матни кўпи билан беш кунда тайёрланиши, унинг матни ишга тикилган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмига сўзма-сўз мос келиши лозим.

Юқоридаги қонун нормаларидан кўрииб турибдики, қонунларда суд қарорини тузишга бўлган талаб, уни эълон қилиш, тарафларга қарор нусхаларини тақдим этиш, шикоят бериш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартиб-тамомийллари белгилаб берилган. Судья қўйилган барча талабларга жавоб берадиган, моддий қонун нормалари билан асослангилган ҳал қилув қарорини тарафларга ўз вақтида берилишини таъминлаши учун уни қачондан бошлаб ёзиши мақсадга мувофиқлиги бирон-бир ҳужжат билан тартибга солинмаган.

Узоқ йиллар суд соҳасида бенуқсон меҳнат қилган устозларимиз ва тажрибали судьяларимиз ўзини ва касбини ҳурмат қилган судья ҳал қилув қарори лойиҳасини бир нечта қисмга бўлган ҳолда тузиб боришни тавсия этадилар. Суд амалиётида ўзини оқлаган тавсия этилаётган қоидаларни дастуриламал қилиб олган судьялар ҳал қилув қарорларини тузишда ишончимиз комилки бирон бир қийинчиликсиз, моддий ва процессуал қонун нормаларини тўғри қўллайдилар, натижада эса қарорлари ўз вақтида тўлиқ қонун нормаларига асосланган ҳолда ёзилади ва эълон қилинган куннинг ўзидаёқ тарафларга бериш имконияти яратилади.

**Ҳал қилув қарорини ёзишда қуйидагича услуб тавсия этилади:**

**биринчи босқич** – даъво ариза ёки аризани судьянинг иш юритувига қабул қилинган кундан бошлаб узоғи билан 5 кун мобайнида ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ишни кўраётган судья, котиб, даъвогар ва унинг вакили, ишда иштирок этадиган прокурор, кўрилади-ган даъво талаби, баён қисмида даъво қилинаётган талабнинг мазмуни, келтираётган важлари, асослангилан қисмида қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормалари, аниқланиши ва қандай аниқланиши лозим бўлган саволлар киритилган ҳолда ҳал қилув қарорининг “хомаки” шакли тузилади;

## ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Фазлиддин ИШАНХОДЖАЕВ,**  
*Судьялар олий мактабининг Жиноят ишлари йўналиши магистранти.*

Судьялар олий мактаби магистратурасининг биринчи ўқув йилида таълим олиш шарафига муяссар бўлиш, судьялик касбини эгаллаш орзусида бўлган ҳар бир инсонга, жумладан менга ҳам қувонч бағишлади.



Магистратурада ўқиш жорий йилнинг 4 сентябридан бошланди. Ўқишнинг биринчи кундан биз тингловчиларда шундай таассурот шаклландики, Судьялар олий мактаби томонидан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш ва юқори малакали судьяларни тайёрлашга қаратилган жиддий ишлар амалга оширилган.

Биринчи дарснинг ўзидаёқ ушбу таълим муассасасининг ҳар томонлама мукамал даражада ташкил қилинганига ва тингловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик.

Хусусан, 4 та гуруҳнинг ҳар бири учун алоҳида ўқиш заллари ташкил этилган. Айтиш мумкинки, жиноят ишлари йўналишининг тингловчиларига ажратилган ўқув зали замонавий услубда таъмирланган ва бугунги кун талаби даражасида жиҳозланган. Ҳаттоки, тингловчилар учун сўнгги русумдаги ноутбук-компьютерлар ажратилган. Махсус сенсор экранли катта монитор ёрдамида ўтказилаётган ўқув машғулоти бизга янада завқ бағишламоқда.

Ностандарт ва ўзгача усулларда ўтказилаётган машғулотларда ҳар бир тингловчининг ўз фикрини баён этиши ва ўзини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиш имкониятлари яратилган. Яна бу ерда имитацион суд мажлисларини ўтказиш борасида тўғри танлов қабул қилинган. Чунки бу жараён вақти келиб ўзининг самарасини беради, деб ҳисоблайман. Умид қиламанки, барча тингловчилар магистратура босқичини муваффақиятли тамомлаб, одил судловни амалга оширишга лойиқ эканликларини исботлашади.



Ўзбекистон Республикаси ФПК 192-моддасига мувофиқ, судья аризани иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай якка тартибда ҳал этиши белгиланган, шунингдек Кодекснинг 201-моддасига мувофиқ, судья аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарганидан сўнг ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақса-

дида уни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёни ҳам 10 кунни (агар қўшимча ҳужжатлар талаб этиладиган бўлса мазкур муддат 20 кунгача асослантирилган ажримга асосан узайтирилиши белгиланган) ташкил этади.

Даъво ариза иш юритувига қабул қилиниб, фуқаролик ишини қўзғатиш ва тайёрлов босқичи 20 кунни ташкил этган муддат судьяни суд қарорининг хомаки шаклини тайёрлаб қўйиш учун етарли эканлигига шубҳа бўлмаса керак. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик иши билан танишмасдан туриб суд муҳокамасига кирган судья бу судья эмас десак хато қилмаган бўламиз. Хусусан, суд мажлисида даъвогар даъвосини тасдиқлаш учун қандай фактлар келтирилганлиги ва мазкур фактлар амалдаги қайси қонун нормаларига асосан тартибга солинишини ўрганмасдан суд мажлисини ўтказиётган судья бамисоли даладаги қўриқчига ўхшаб, суд муҳокамасини яқунлашни, бошқа кунга қолдириш, далиллар доирасини белгилаш, экспертиза тайинлаш ва шунга ўхшаш процессуал ҳаракатларни амалга ошира олмайди, натижада эса асоссиз суд муҳокамасини бошқа кунга қолдиради. Қолдирганда ҳам тарафлар кейинги суд мажлисига қандай ҳужжат ва далилларни олиб келиши зарурлиги ҳақидаги топшириқни бера олмайди. Оқибатда эса суд муҳокамаси чўзилиб, ишларни кўриш муддатлари бузилади.

***Бир ҳаром луқма деб, минг  
ҳалол луқмани йўқотасан.***

\* \* \*

***Ҳалоллик бозорда сотил-  
мас.***

\* \* \*

***Виждондан бўлак ҳамма  
нарсани сув билан ювиб  
тозалаш мумкин.***

**МАҚОЛ**

**Иккинчи босқич** – судья тайёрлов ишларини амалга ошириб бўлгандан кейин, ишни суд муҳокамасига тайинлаш ҳақида ажрим чиқаради, ажримда суд муҳокамаси иштирокчиларининг суд мажлисига етиб келишларини реал ҳисобга олиб суд мажлиси санаси ва аниқ вақти белгиланади. Суд муҳокамасига жиддий тайёрланган судья тарафларни ва суд мажлиси иштирокчиларини низо юзасидан сўроқ қилади. Уларнинг келтирилган важлари ва исботлаш воситаларини эътиборга олиб, тарафларни суд музокарасига тайёргарлик кўришлари учун муддат беради ёки ишга аниқлик киритиш учун қўшимча далилларни талаб қилиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун суд муҳокамасини асослантирилган ажрим асосида бошқа муддатга қолдиради. Суд мажлисини қолдиришда манфаатдор томоннинг тегишли ҳужжатни ёки далилларни етказиб келишига етарли муддатларни эътиборга олган ҳолда қолдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2018 йил 19 майдаги 14-сонли қарорининг 1-бандига кўра, судларнинг эътибори фуқаролик ишларини кўришда фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш зарурлигига, уларга риоя қилмаслик эса, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳуқуқлари бузилишига олиб келишига, мазкур Пленум қарорининг 19-бандига асосан иш муҳокамаси кейинга қолдирилганда, суд кейинги суд мажлиси вақтини шу давр мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни инobatга олган ҳолда тайинлаши лозим.

Суд муҳокамасининг кейинги мажлисига қадар ҳал қилув қарорни кириш қисмига жавобгар ва унинг вакиллари, бошқа жалб этилган иштирокчилар, баён қисмида тарафлар ва иштирокчиларнинг тушунтиришлари киритилади, асослантирувчи қисми суд муҳокамаси иштирокчиларининг келтирган важлари, ҳужжатлар ва далиллари ҳамда шу низони ҳал этиш лозим бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатлари қайта аниқлаштирилади, биринчи босқичда аниқланиши лозим бўлган саволларга жавоб ёзилади ва суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қисман (аниқ тўхтамни баён қилмаган ҳолда) хомаки шакли ёзилади.

**Учинчи ва якуний босқич** - тарафларнинг келтирган важлари асосида якуний хулосага келади ва маслаҳатхонага киради. Судья олдиндан тайёрланган ҳал қилув қарорининг хомаки шаклини келтирилган далиллар асосида мустаҳкамлайди ва тайёр суд ҳал қилув қарорини эълон қилади.

Агар англаган бўлсангиз, биринчи ва иккинчи босқичларда суд мажлисининг ёзилиши бошланиши низо юзасидан суд процессини қисқа муддатларда ҳал этишга ҳам жуда катта таъсирини кўрсатади. Қолаверса, тарафларнинг асоссиз сансалорлигига чек қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 207-моддасига мувофиқ, ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай суд томонидан кўрилади ва ҳал қилинади. Бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига кўра икки ойгача



узайтирилиши мумкин, бундан алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишлар суд муҳокамасига тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай биринчи инстанция суди томонидан кўрилиши керак.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўзига талабчан бўлган бугунги кун судьяси ҳал қилув қарорини даъво аризани иш юритувига қабул қилган кундан бошлаб ёзмас экан, ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, адолатлилиги ва ўз вақтида камчиликсиз ёзилишини таъминлай олмайди. Бу эса суд ҳокимиятига бўлган фуқароларимиз ишончсизлигига олиб келади, аксинча эса судья нафақат ҳал қилув қарорини ўз вақтида ёзишни, энг муҳими ҳал қилув қарорининг асосли ва адолатли бўлишини таъминлайди. Натижада фуқароларни ортиқча оворагарчиликларининг олди олиниб, суд ҳокимиятига бўлган ишончни мустаҳкамланишига эришилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан қилган маърузаси, Халқ сўзи газетаси 2018 йил 8 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4096-сонли қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.



**Қаҳрамон ИСАРОВ,**  
Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази бошлиғи

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА СУД НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИ



**Раҳимқул ТОШБОЕВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси

**Журналимизнинг 2019 йил 8-сонида АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Германия давлатлари мисолида жиноят ишини юритиш устидан суд назорати институти тўғрисидаги мақола чоп этилган эди.**

**Эътиборингизга тақдим қилинаётган ушбу мақолада Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикалари жиноят-процессуал қонунчилигидаги суд назорати институтига оид нормалар тўғрисида сўз юритамиз.**

## Россия Федерациясида суд назорати:

Россия Федерацияси ЖПКнинг 29-моддасига кўра, миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда ишни судга қадар юритиш босқичидаги қуйидаги масалалар фақат суднинг қарорига кўра ҳал қилинади:

- мулкий зарарни ундириш;
- турар жойларни, унда яшовчиларнинг розилиги бўлмаган ҳолларда, кўздан кечириш ва турар жойларда тинтув ва (ёки) олиб қўйишни ўтказиш;
- ломбардда сақлаш учун топширилган ёки қўйилган нарсаларни олиб қўйиш;
- адвокатга нисбатан тинтув ўтказиш, кўздан кечириш ва олиб қўйишни амалга ошириш;
- мазкур Кодекснинг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, шахсий тинтув ўтказиш;
- федерал қонун билан қўриқланадиган давлат ва бошқа сирларни сақловчи

предмет ва ҳужжатларни, шунингдек, фуқароларнинг банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги омонатлари ва ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумотларни сақловчи предмет ва ҳужжатларни олиб қўйиш;

- мол-мулкни хатлаш, унинг муддатини белгилаш ёки узайтириш;
- мазкур Кодексда назарда тутилган тартибларга кўра, ашёвий далилларни текинга топшириш, реализация қилиш, утилизация қилиш ёки йўқ қилиш;
- телефон ва бошқа сўзлашувларни назорат қилиш ва ёзиб олиш, абонентлар ва (ёки) абонентлик қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги маълумотларни олиш.

Қайд этиш лозимки, Россия Федерациясида ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини олиб бориш учун бошқа айрим хорижий давлатларда бўлгани каби алоҳида тергов судьяси лавозими жорий этилмаган бўлиб, бу вазифа жиноят содир этилган ёки дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жойда жойлашган туман (шаҳар) судининг ёки ҳарбий гарнизон судининг судьяси томонидан яқка тартибда амалга оширилади.

Судья суд назоратини амалга ошира туриб, киритилган илтимосномани қонуний ва асосли деб топган тақдирда, у ёки бу процессуал ҳаракатни амалга оширишга рухсат беради, акс ҳолатда эса буни рад қилади.

Шунингдек, Россия Федерацияси ЖПКнинг 165-моддасига мувофиқ, кечиктириб



бўлмайдиган ҳолларда турар жойни кўздан кечириш, турар жойда тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш, шахсий тинтув, мол-мулкни хатлаш, шунингдек ломбардда сақлаш учун топширилган ёки қўйилган нарсаларни олиб қўйиш судьянинг рухсатисиз, суриштирувчи ёки терговчининг қарорига кўра ўтказилиши мумкин. Лекин бундай ҳолда суриштирувчи ёки терговчи кейинчалик шу ўтказилган ҳаракат ҳақида 3 сутка ичида прокурорга ва судга хабар қилиши ва тегишли материалларни тақдим этиши лозим. Судья хабарнома ва унга илова қилинган материалларни ўрганиб чиқиб, 24 соат ичида ушбу тергов ҳаракатларининг қонунийлигига баҳо бериши лозим, агарда ўтказилган тергов ҳаракати ноқонуний деган хулосага келинган тақдирда, ушбу ҳаракат давомида олинган далиллар номақбул далил сифатида баҳоланади.

Шунингдек, суд Россия Федерацияси ЖПКнинг 125-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига эга.

Хусусан, суриштирув, дастлабки тергов органининг жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарори, шунингдек суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг жиноят процесси иштирокчиларининг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиши мумкин бўлган ёхуд фуқароларнинг одил судловга эришишини қийинлаштирадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан жиноят содир этилган ёки дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган жойда жойлашган туман судига шикоят қилиниши мумкин.

Судья бундай шикоятни у келиб тушганидан сўнг 5 суткадан кечиктирмасдан тегишли манфаатдор шахслар иштирокида, ёпиқ суд мажлиси ўтказилиши шарт бўлган ҳоллардан ташқари, очик суд мажлисида кўриб чиқади.

Шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича судья қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

➔ шикоятни қаноатлантирган ҳолда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарорни ноқонуний ва асоссиз деб топиш ҳамда жиноят ишини юритувчи тегишли мансабдор шахс зиммасига уларни бартараф этиш мажбуриятини юклаш;

➔ шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси Жиноят-ижроия кодексининг 20-моддасига кўра, суд маҳкумлар ва бошқа шахсларнинг жазони ижро этиш муассасалари ва органлари маъмуриятининг ҳаракатлари устидан ёзган шикоятларини кўриб чиқиш ваколатига эга. Бу эса, жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан суд назоратини олиб бориш имконини беради.

#### **Украина Республикасида суд назорати:**

Украина Республикаси ЖПКнинг 3-моддасига кўра, жиноят ишларини юритишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя қилиниши устидан суд назоратини олиб бориш ваколати тергов судьяси зиммасига юклатилган. Тергов судьяси биринчи инстанция судининг судьялари умумий йиғилишида мазкур суд судьялари орасидан сайланади.

Украина Республикасида ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

➔ айрим ношқора тергов (қидирув) ҳаракатларини амалга ошириш учун рухсат бериш;

➔ жиноят иш юритувини таъминлаш чораларини, шу жумладан эҳтиёт чораларини қўллаш учун, шунингдек айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш;

➔ терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш.

Энди ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича суд назоратини амалга оширишнинг тартиби тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Айрим ношқора тергов (қидирув) ҳаракатларини амалга ошириш учун рухсат бериш бўйича:

Украина Республикаси ЖПКнинг 246-248-моддаларига кўра, шахсни ёки жойни аудио-видео назорат қилиш; почта жўнатмаларини хатлаш; транспорт телекоммуникация тармоқларидан маълумотларни олиш; электрон информацион тизим-



дан маълумотларни олиш; оммага кириш мумкин бўлмаган жойни, шахснинг турар жойини ва эгалигидаги бошқа жойни текшириш; шахс, нарса ёки жой устидан кузатув олиб бориш; тадқиқот ўтказиш учун зарур бўлган намуналарни олиш каби ноошкора тергов (қидирув) ҳаракатлари тергов судьясининг қарорига кўра амалга оширилади.

Украина Республикаси ЖПКнинг 248-моддасига кўра, тергов судьяси ноошкора тергов (қидирув) ҳаракатларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги илтимосномани у келиб тушганидан сўнг 6 соат ичида кўриб чиқиши лозим. Илтимоснома уни киритган шахс (прокурор, терговчи) иштирокида кўриб чиқилади.

Украина Республикаси ЖПКнинг 249-моддасига кўра, тергов судьясининг ноошкора тергов (қидирув) ҳаракатларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги қарорининг амал қилиш муддати икки ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Агар терговчи, прокурор ноошкора тергов (қидирув) ҳаракатларини амалга ошириш муддатини узайтириш лозим деб топган тақдирда, бу ҳақда судга илтимоснома билан мурожаат қилиши лозим.

Қайд этиш лозимки, Украина Республикаси ЖПКнинг 250-моддасига кўра, инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган алоҳида ҳоллардагина, бу ҳақдаги судьянинг тегишли қарори чиқарилгунга қадар, прокурор билан келишилган ҳолдаги терговчининг ёки прокурорнинг қарорига кўра ноошкора тергов (қидирув) ҳаракатларини ўтказиш бошланиши мумкин.

Бундай ҳолларда прокурор ноошкора тергов (қидирув) ҳаракатларини ўтказиш бошланган заҳоти дарҳол тергов судьясига

тегишли илтимосномани киритиши шарт. Агарда тергов судьяси ноошкора тергов (қидирув) ҳаракатларини амалга ошириш учун рухсатнома беришни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарса, ўтказилиши бошланган бундай ҳаракатлар дарҳол тўхтатилиши ва бундай ҳаракатлар давомида олинган маълумотлар ЖПКнинг 255-моддасида назарда тутилган тартибда, яъни прокурор қарорига кўра ва унинг назорати остида йўқ қилиниши лозим.

Жиноят иш юритувини таъминлаш чораларини, шу жумладан эҳтиёт чораларини қўллаш учун, шунингдек айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш бўйича:

Украина Республикаси ЖПКнинг 131-моддасига кўра, ишни судга қадар юритиш босқичида куйидаги жиноят иш юритувини таъминлаш чоралари тергов судьяси томонидан қўлланилади: шахсни мажбурий келтириш; пул ундирувини (жарима) белгилаш; махсус ҳуқуқдан фойдаланишни вақтинча чеклаш; шахсни лавозимдан четлаштириш; ҳужжатлар ва нарсалар билан вақтинча танишишга рухсат бериш; мол-мулкни вақтинча олиб қўйиш; мол-мулкни хатлаш; шахсни ушлаш; эҳтиёт чораларини қўллаш.

Ушбу моддада терговчи ёки прокурор шахсга нисбатан жиноят иш юритувини таъминлаш чораларини қўллаш заруриятини етарли даражада асослаб бериши шартлиги, акс ҳолда тергов судьяси томонидан бу масала рад қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Украина Республикаси ЖПКнинг 176-моддасида назарда тутилган 5 турдан иборат барча эҳтиёт чоралари (шахсий мажбурият, шахсий кафиллик, гаров, уй қамоғи, қамоққа олиш) прокурорнинг илтимосномасига асосан тергов судьяси томонидан қўлланилади.

ЖПКнинг 178-моддасига кўра, тергов судьяси ушбу эҳтиёт чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқишда ЖПКнинг 177-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораларини қўллашнинг мақсади ва асосларидан ташқари:

➔ гумон қилинувчи, айбланувчининг жиноят содир этганлиги ҳақидаги далилларнинг аҳамиятини;

➔ гумон қилинувчи, айбланувчининг жиноят содир этганликда айбли деб топилган тақдирда, унга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазонинг оғирлик даражасини;

➔ гумон қилинувчи, айбланувчининг ёши ва соғлигининг аҳволини;



➔ гумон қилинувчи, айбланувчининг доимий яшаш жойидаги ижтимоий алоқаларининг мустақамлигини, шу жумладан унинг оилалигини ва қарамовида шахсларнинг борлигини;

➔ гумон қилинувчи, айбланувчининг доимий иш ёки ўқиш жойига эгаллигини;

➔ гумон қилинувчи, айбланувчининг обрў-эътиборини;

➔ гумон қилинувчи, айбланувчининг мулкӣ аҳволини;

➔ гумон қилинувчи, айбланувчида судланганлик ҳолатининг мавжудлигини;

➔ гумон қилинувчи, айбланувчида нисбатан илгари қўлланилган чораларга риоя қилинганлигини;

➔ шахснинг бошқа жиноят содир этганлиги тўғрисидаги хабарнинг мавжудлигини;

➔ етказилган зарарнинг ёки жиноят оқибатида олинган даромаднинг миқдорини инобатга олиши лозим.

ЖПКнинг 186-моддасига кўра, тергов судьяси эҳтиёт чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани дарҳол, бироқ гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган ёки илтимоснома судга келиб тушган пайтдан бошлаб 72 соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши лозим.

Бундан ташқари, турар жойга ёки шахснинг эгаллигидаги бошқа жойга кириш (233-модда), тинтув ўтказиш (234-модда) каби тергов ҳаракатлари тергов судьясининг қарори асосидагина ўтказилади. Шунингдек, агар терговчи, прокурор томонидан иш бўйича ҳимоя тарафининг эксперт сифатида шахсни жалб қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад қилинган бўлса, ҳимоя тараф бу ҳақда тергов судьясига илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин (244-модда).

Терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш бўйича:

Украина Республикаси ЖПКнинг 303-моддасида ишни судга қадар юритиш босқичида терговчи ёки прокурорнинг қайси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу моддага кўра, терговчи, прокурорнинг: жиноий қилмиш тўғрисидаги хабарни жиноий қилмишлар тўғрисидаги маълумотлар Ягона реестрига киритмаслик, вақтинча олиб қўйилган мол-мулкни қайтармаслик, шунингдек ЖПК талаби бўйича белгиланган муддатда амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларни бажармасликдан иборат



ҳаракатсизлиги устидан; судга қадар текширишни тугатиш, жиноий иш юритишни тугатиш, жабрланувчи деб топишни рад қилиш тўғрисидаги қарорлари устидан; қонунчиликда назарда тутилган хавфсизлик чораларини қўллаш юзасидан ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарор устидан; тергов (қидирув) ҳаракатларини, ноошқора тергов (қидирув) ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаларни қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан; ишни судга қадар юритишнинг ЖПКнинг 39-бобида назарда тутилган тартибини ўзгартириш ёки давом эттириш тўғрисидаги қарори устидан манфаатдор шахслар судга шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин.

Тергов судьяси бундай шикоятларни у судга келиб тушган пайтдан бошлаб 72 соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши лозим. Фақатгина жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан келиб тушган шикоят 5 кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Тергов судьяси шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

➔ *терговчи, прокурорнинг қарорини бекор қилиш;*

➔ *терговчи, прокурор зиммасига ҳаракатни тугатиш мажбуриятини юклаш;*

➔ *терговчи, прокурор зиммасига муайян ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини юклаш;*

➔ *шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш.*

Тергов судьясининг шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича чиқарган қарори устидан шикоят қилиниши мумкин эмас, фақат жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан келтирилган шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш ҳақидаги қарор бундан мустасно.

### Қозоғистон Республикасида суд назорати:

Қозоғистон Республикасида ҳам ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини олиб бориш учун махсус ваколатли судья — тергов судьяси лавозими жорий этилган. Тергов судьяси биринчи инстанция судининг судьялари орасидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан фарқли равишда қуйидаги масалалар тергов судьясининг ваколатига тааллуқлидир:

*шахсга яқинлашишни тақиқлаш;  
ноошкора тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш ва уларни ўтказиш муддатини узайтириш;  
мол-мулкни хатлаш;  
зумон қилинувчи, айбланувчини халқаро қидирувга бериш;  
кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, олиб кўйиш, шахсий тинтувга рухсат бериш;*

*мажбурий гувоҳлантириш ва мажбурий намуналар олишга рухсат бериш.*

Бундан ташқари, тергов судьяси Қозоғистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган тартибда:

*➤ суриштирувчининг, терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш;*

*➤ тез бузилувчи ёки жиноят иши ҳал қилинганга қадар узоқ сақлаш анча миқдордаги моддий харажатларни талаб қилувчи ашёвий далилларни реализация қилиш;*

*➤ ишни судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувларини депозитлаш;*

*➤ адвокат ва прокурордан ташқари, ишни судга қадар юритиш босқичида*

*ўзининг процессуал мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсларга нисбатан пул ундирувларини белгилаш;*

*➤ прокурор тақдимномасига асосан жиноят иши бўйича процессуал чиқимларни ундириш;*

*➤ агар жиноий таъқибни амалга оширувчи орган сўровни бажаришни рад қилган ёхуд уч кунлик муддат ичида бу масала бўйича қарор қабул қилмаган бўлса, ишда ҳимоячи сифатида қатнашаётган адвокатнинг асослантирилган илтимосномасига асосан, ўзида давлат сирларини сақловчи маълумотлардан ташқари, жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай маълумотларни, ҳужжатларни, предметларни талаб қилиб олиш ва жиноят ишига кўйиш;*

*➤ агар жиноий таъқибни амалга оширувчи орган илтимосномани қаноатлантиришни асоссиз рад қилган ёхуд у бўйича уч сутка ичида қарор қабул қилмаган бўлса, ишда ҳимоячи сифатида қатнашаётган адвокатнинг асослантирилган илтимосномасига асосан экспертиза тайинлаш ёхуд ноошкора тергов ҳаракатларидан ташқари, бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш;*

*➤ ишда ҳимоячи сифатида қатнашаётган адвокатнинг илтимосномасига асосан олдин сўроқ қилинган гувоҳни кўрсатув бериш учун келтиришни таъминлаш қийинчилик туғдирганда жиноят процессини юритаётган органга мажбурий келтириш;*

*➤ судга қадар текшириш органининг асослантирилган илтимосномасига асосан ўзига нисбатан ноошкора тергов ҳаракатлари ўтказилган шахсни хабардор қилиш муддатини бир йилгача узайтириш;*

*➤ судга қадар текшириш органининг асослантирилган илтимосномасига асосан ўзига нисбатан ноошкора тергов ҳаракатлари ўтказилган шахсни хабардор қилмасликка розилик бериш каби масалаларни кўриб чиқади.*

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 56-моддасига кўра, тергов судьяси ўзининг ваколатларига тааллуқли бўлган масалаларни яқка тартибда суд мажлисини ўтказмасдан кўриб чиқади. Агарда қонуний ва асосли қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни текшириш зарур бўлса ёхуд прокурор ёки ҳимоя тарафининг илтимосномаси мавжуд бўлса, тергов судьяси тегишли шахслар ва прокурор иштирокида



суд мажлисини ўтказиш масаласини ҳал қилади.

Шу билан бирга, уй қамоғи ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораларини, экстрадиция қамоғини қўллаш ҳамда уй қамоғи, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чоралари ва экстрадиция қамоғи муддатини узайтириш, тез бузилувчи ёки жиноят иши ҳал қилингунга қадар узоқ сақлаш анча миқдордаги моддий харажатларни талаб қилувчи ашёвий далилларни реализация қилиш, ишни судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувларини депозитлаш каби масалаларни кўришда суд мажлиси ўтказилиши шарт.

Суд назоратининг доираси ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра тергов судьяси умумий суд муҳокамасининг предмети бўлиб ҳисобланадиган масалаларни олдиндан ҳал қилиши, белгиланган тартибдан ташқари тергов йўналиши ва тергов ҳаракатлари ҳақида кўрсатмалар бериши, ишни судга қадар юритувчи шахсининг, назорат қилувчи прокурорнинг, шунингдек ишни мазмунан кўриб чиқувчи суднинг ўрнидан ҳаракатлар қилиши ва қарорлар қабул қилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 106-моддасида жиноий таъқибни амалга оширувчи органнинг, прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоятларни суд тартибда кўриб чиқиш назарда тутилган.

Ушбу моддага кўра, прокурор, суриштирув ва тергов органининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилган шахс жиноий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад қилиш, шунингдек судга қадар терговни бошлашда, тергов муддатини тўхтатишда, жиноят ишини тугатишда, суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага мажбурий жойлаштиришда, тинтув ва (ёки) олиб қўйишни ўтказишда, бошқа ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарорлар қабул қилишда қонун бузилишларга йўл қўйилганлиги юзасидан судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тергов судьяси бундай шикоятни у судга келиб тушган пайтдан бошлаб уч сутка ичида якка тартибда суд мажлиси ўтказмасдан кўриб чиқиши лозим. Агарда қонуний ва асосли қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни текшириш зарур бўлса тергов судьяси шикоятни ёпиқ суд мажлисида ўн кунлик муддат ичида тегишли шахслар ва прокурор иштирокида кўриб чиқади.



Тергов судьяси шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

→ *ноқонуний деб топилган процессуал қарорни бекор қилиш;*

→ *тегишли мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорини ноқонуний ва асоссиз деб топиш ва йўл қўйилган камчиликни бартараф этиш мажбуриятини белгилаш;*

→ *прокурор зиммасига фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний эркинликлари бузилишини бартараф қилиш мажбуриятини юклаш;*

→ *шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш.*

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси қонунчилигида нафақат ишни судга қадар юритиш босқичида, балки жиноий жазоларни ижро этиш босқичида ҳам суд назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми белгиланган.

Хусусан, ЖПКнинг 482-моддасига кўра маҳкум судга жазони ижро этиш муассасаси ёки органининг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан, шунингдек прокурорнинг ҳукм ижроси билан боғлиқ масалалар бўйича қарори ёки прокурорнинг ушбу масалалар бўйича шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий давлатлар тажрибаси асосида жиноят ишини судга қадар юритиш ҳамда жиноий жазолар ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари ижроси устидан тўлақонли суд назорати институти ўрнатиш келгусида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга, одил судлов нуфузини оширишга хизмат қилади.



**Дилзода ДОВУДОВА,**

Бош прокуратура Академиясининг  
Судларда прокурор ваколатини таъминлаш  
кафедраси катта ўқитувчиси

# СУДДА ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИНИНГ МУЗОКАРА НУТҚИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## АННОТАЦИЯ

Мақолада суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, суд музокарасидаги давлат айбловчиси нутқининг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий асослари, нутқининг турлари, мазкур масала юзасидан қонунчиликдаги бўшлиқлар, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, суд муҳокамаси, тарафлар музокараси, прокурор, давлат айбловчиси, давлат айбловчисининг нутқи, айблов нутқи, айбловдан воз кечиш нутқи, айбловни ўзгартириш нутқи, процессуал ҳужжат, исботлаш, хорижий давлатлар тажрибаси.

## АННОТАЦИЯ

В статье были рассмотрены тенденции и сущность судебной реформы, некоторые аспекты выступления обвинителя в ходе судебных слушаний, правовые основы, виды речей, пробелы в законодательстве в данном вопросе, предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** судебная реформа, судебное разбирательство, прения сторон, прокурор, речь государственного обвинителя, обвинительная речь, речь отказа об обвинения, речь изменения обвинения в смягчающем обстоятельстве, процессуальные документы, доказательства, зарубежный опыт.

## ANNOTATION

The article highlights the trends and essence of judicial reforms, some aspects of the prosecutor's appearance during the court hearings, legal basis, types of speeches, gaps in the legislation on this issue, proposals for improving the legislation.

**Keywords:** judicial reform, court proceedings, arguments of the parties, prosecutor, prosecutor's, speech indictment, speech of refusal of charges, speech of changing charges in extenuating circumstances, procedural documents, evidence, foreign experience.

Бугунги замон талаби жиноят процессига гуманистик ва демократик механизмларни янада кенгроқ жорий қилиш, суд муҳокамасида тарафларнинг тенглиги ва тортишувини такомиллаштириш, суд жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор иштироки асослари ва шакллари танқидий таҳлил қилиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Давлат айбловчисининг суд муҳокамасида иштироки Жиноят-процессуал кодексига белгиланган тортишув тамойилини рўёбга чиқаришнинг муҳим мезони ҳисобланади. Мазкур тамойил тарафлар музокарасида ўзининг якуний ифодасини топади.

Тарафлар музокараси – бу суд муҳокамасининг суд тергови тугаганидан сўнг келадиган мустақил қисми бўлиб, унинг доирасида тарафлар нутқ билан чиқиш орқали дастлабки тергов, суд тергови натижалари ва жараёни тўғрисидаги фикрларини билдирадиган ва ишни мазмунан ҳал қилиш бўйича қарор таклиф қиладилар<sup>1</sup>.

Мазкур босқичда прокурор давлат айбловчиси сифатида иш натижаси бўйича ўз фикрини баён қилади.

Юридик фанлар доктори, профессор Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурорнинг нутқи катта ижтимоий ва процессуал аҳамиятга эга. Прокурор нутқи судьяларда ички ишонч уйғонишига ва қонуний, асосли ҳукм чиқарилишига кўмаклашади<sup>2</sup>.

В.Андреяновнинг фикрича, “фикр – бу аниқ шахснинг ўз қарашларини ифодалаш шаклларида бири ҳисобланади. Жиноят иши бўйича суд музокарасида айтилган давлат айбловчисининг фикри алоҳида табиатга эга, сабаби у давлат номидан айбловни қўллаб-қувватлайди, судда оммавий манфатларни ҳимоя қилади”<sup>3</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам прокурорнинг жиноят иши юзасидан музокара нутқи ишни тўғри ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят-процессуал кодексига кўра, музокара давлат айбловчисининг нутқи билан бошланади. Давлат айбловчиси ўзининг

нутқида суд терговида кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, давлат айбловчиси суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

Давлат айбловчисининг тарафлар музокарасидаги нутқи бир неча кўринишга эга, яъни айблов, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш нутқи. Прокурорнинг айблов, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш ҳақидаги нутқини ёзма тақдим этиши шарт.

Давлат айбловчиси айблов нутқида судланувчининг айбдорлигини, айбловдан воз кечиш нутқида судланувчининг айби далиллар билан исботланмаганлигини ҳамда айбловни ўзгартириш нутқида эса судланувчининг айбини ўзгартириш ёки енгиллаштириш асосларини тушунтириб бериши шарт.

Прокурорнинг музокара сўзга чиқиши муносабати билан юзага келувчи муаммолар илмий тадқиқотлар предметиға айланган<sup>4</sup>.

Аксарият олимлар давлат айбловчисининг нутқини асосли ва ишончли бўлишига эътибор қаратади.

В.Исаенко ўзининг фикрида нутқни баён қилиш тартиби орқали нутқ асосли бўлиши ва ички ишончли ҳосил қилишига боғлайди. Унинг фикрича, аксарият давлат айбловчилари суд музокараларида судланувчининг айбини исботловчи далилларни уларни суд тергови жараёнида қай тартибда тақдим этишган бўлса, худди шу тартибда санаб ўтишни ҳам тактик, ҳам психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашади. Сабаби, суд музокараларида далиллар бундай тартибда баён этилганда судьялар хаёлан суд тергови жараёнига қайтишини, шу билан бирга, суд музокараларида давлат айбловчиси томонидан далилларнинг мазмунини ва аҳамиятини, далиллар ўртасидаги боғлиқликларни тушунтириб ўтиш судьяларда давлат айбловчининг асосли эканлигиға ички ишонч ҳосил бўлишиға олиб келади<sup>5</sup>.

Н.Иванкиннинг фикрича, давлат айбловчиси сўзлайдиган нутқининг мақсад ва вазибаларини аниқ-равшан тасаввур қилмоғи керак, унинг нутқи самарадорлиги ва таъсирчанлиги биринчи навбатда унинг қанчаллик асослилиги ва ишонарлилигиға боғлиқ<sup>6</sup>.

И.Н.Кожевников фикрича эса, прокурор нутқида фактларнинг чуқур ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик таҳлили келтирилиши керак. Нутқнинг зарур сифати унинг



ишончли баён этилиши билан белгиланади<sup>7</sup>-деган фикрни илгари сурган.

Фикримизча, В.Исаенко ва Н.Иванкиннинг нуқтаи назарлари бир-бириға яқин бўлиб, асосли нутқ ишонарли нутқни ўз ичига қамраб олади. И.Кожевников фикри мунозарали ва тўлиқ ёритилмаган бўлиб, асослангирилмаган нутқ ҳам ишончли баён этилиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган Олимлар томонидан билдирилган фикрларда давлат айбловчисининг нутқини бошқа жиҳатлари ёритилмаган.

В.Лазарева давлат айбловчисининг айблов нутқи хусусида фикр юритиб, уни нутқи асосли, объектив, мазмунли ва аниқ, ахлоқий бўлиши лозимлигини билдирган<sup>8</sup>.

В.Лазареванинг билдирган фикри нафақат айблов нутқида мужассам бўлиши керак, балки давлат айбловчисининг суд музокарасидаги барча нутқлари асосли, объектив, мазмунли ва аниқ, ахлоқий талабларға монанд бўлиши лозим.

Шунингдек, давлат айбловчисининг нутқи суд процессининг муайян босқичида амалға ошириладиган, айбдор шахснинг айблилигини ёки айбсизлигини тасвирлаб берувчи жараён ҳисобланади.

Миллий қонунчиликда давлат айбловчисининг нутқиға таъриф берилмаган.

Фикримизча, давлат айбловчисининг нутқи деганда – бу суд тергови натижалари бўйича музокара қисмда баён этиладиган, судланувчини жиноят содир этишда айбдорлигини исботловчи ёки рад этувчи асослангирилган ҳолда ички ишончға таянган нутқидир.

Демак, судланувчининг айбдорлигини исботлаш – айблов, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш ҳақидаги нутқининг асосий элементи бўлиб, у унинг таркибидаги бошқа барча масалаларни ўзига бўйсундиради. Чунки, судланувчининг исботланган айбловидан келиб чиқиб, унинг жиноий ҳаракатлари квалификация қилинади, жазо тайинланади ва бошқа қонунда белгиланган масалалар ҳал этилади.

Хусусан, давлат айбловчиси нутқининг шаклига қўйилган талаблар мавжуд бўлма-сада, бироқ Жиноят-процессуал кодексининг (кейинги ўринда ЖПК деб юритилади) 449 ва 450 – моддаларида нутқда ифодаланиши лозим бўлган талаблар белгиланган.

Шунингдек, давлат айбловчиси қайд этилган моддаларда назарда тутилган талаблардан ташқари, жабрланувчи ва судланувчининг шахсини тавсифловчи объектив (ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати) ва ижтимоий (судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳулқ-атвори, машғулот, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к) омилларни аниқлаши шарт.

Давлат айбловчиси томонидан судланувчининг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан бир неча фикр билдирилишига йўл қўйилмайди.

Суд давлат айбловчисининг музокарасини муайян муддат билан чеклаб қўйиши

мумкин эмас, лекин раислик қилувчи улар кўрилатган ишга дахли йўқ ҳолатларга тааллуқли бўлса, тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

**Умуман олганда, прокурор томонидан тузиладиган процессуал ҳужжат, яъни давлат айбловчисининг нутқлари қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:**

– процессуал ҳужжатнинг номи, шакли ва мазмуни мазкур ҳужжатни тузиш назарда тутилган қонун нормаларига тўғри келиши шарт;

– процессуал ҳужжатнинг номи ўзида акс эттирилиши лозим (масалан, айблов нутқи ёки айбловни ўзгартириш, айбловдан воз кечиш нутқи);

– процессуал ҳужжатнинг мазмуни жиноят ва жиноят процессуал қонунлар, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари талаблари билан асосланган бўлиши зарур;

– процессуал ҳужжат имло қоидаларига мос ва сўз боғланиш қоидаларига риоя қилинган ҳолда тузилиши шарт, сўзларнинг тушунарсиз тарзда қисқартирилиб ёзилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2015 йил 27 ноябрдаги “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғида (кейинги ўринда соҳавий буйруқ деб юритилади) прокурор фикрининг асослиги жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида қайд этилган.

Бироқ, амалиётда судланувчиларга қўйилган айбловни суд тергови давомида асослилигини текшириш, қилмишни тўғри малакалаш ҳамда суд натижаларига кўра фикр билдиришда белгиланган мезонларга алоҳида қаратиш лозимлиги ҳақидаги ЖПК ва Бош прокурор соҳавий буйруғи талаблари бажарилмаётганлиги аниқланмоқда.

Бундан ташқари, давлат айбловчилари томонидан судланувчиларга нисбатан Жиноят кодекси талаблари доирасида тайинланиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри борасида фикр беришда ҳам хатоликка йўл қўйилмоқда<sup>9</sup>.

Ёки айрим ҳолатларда давлат айбловчилари томонидан судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибини танлашда қонун талаблари бузилмоқда.

**Ёлгон-эгриликка ўрганма асло,  
Жаҳон тўғрилиқдан бўлмиш-  
дир барпо.**

**Абдушукур БАЛХИЙ.**

**Тўғрини де, тўғрини кўр,  
тўғри юр,**

**Тўғри эшит, тўғри гапир,  
тўғри тур.**

**Абдурахмон ЖОМИЙ.**

**Тўғрилиқ учрамас ҳечам балога,  
Сарв қуриса ҳамки ярар асога.**

**Сайидо НАСАФИЙ.**



Фикримизча, жиноят ишлари бўйича судда иштирок этаётган прокурор ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қонунийликни таъминлаш нуқтаи назаридан ўз нутқини юқорида қайд этилган талабларга риоя қилган ҳолда асослантилган тарзда ҳамда нотиклик маҳоратини қўллаб баён қилиши лозим.

Амалиётда тергов органи томонидан нотўғри квалификация қилинган ёки суд терговиди ўз тасдиғини топмаган судланувчиларнинг айбловидан жиноятнинг оғирлаштирувчи квалификация белгиларини чиқариш, энгилроқ моддага квалификация қилиш ва шу каби бошқа ҳолатлар юзасидан давлат айбловчиси судга ўз нутқини баён қилиб, ёзма тақдим қилади.

Ушбу ҳолат айбловни ўзгартириш (қисман воз кечиш) сифатида ЖПКнинг 409-моддаси 3-қисми билан тартибга солинган. Унга кўра, суд тергови маълумотлари асосида прокурор судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириш зарур деган хулосага келса, у бу ҳақда судга асослантилган баёнот бериши шартлиги белгиланган.

Давлат айбловчиси судланувчининг айбловини суд тергови давомида ёки тарафлар музокарасида ўзгартириш хусусида баёнот бериши мумкин. Мазкур босқичлардаги баёнот бир-биридан фарқ қилади.

Суд терговиди айбловни оғирлаштирувчи томонга ўзгартириш ҳақида давлат айбловчиси ЖПКнинг 416 ва 417-моддалари тартибиди асослантилган илтимоснома беради, судланувчининг айбловини энгиллаштирувчи томонга ўзгартириш хусусида эса тарафлар музокарасида фикр беради. Бироқ, Жиноят-процессуал қонунчиликда айбловни энгиллаштирувчи томонга ўзгартириш қандай ҳолатларда йўл қўйилиши талаблари белгиланмаган.

Хусусан, Россия Федерациясининг 246-моддасида давлат айбловчисининг суд маслаҳатхонага киргунга қадар айбловни

енгиллаштиришга ўзгартириш тўғрисида фикр бериш асослари белгилаб қўйилган<sup>10</sup>.

Фикримизча, ЖПКнинг 409-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда тўлдириш лозимлиги таклиф этилади:

**Прокурор суд маслаҳатхонага киргунга қадар қуйидагича тарзда айблов қисман ўз тасдиғини топмаса, уни энгиллаштирувчи томонга ўзгартириш тўғрисида фикр бериши мумкин:**

- айбловдан жиноятнинг оғирлаштирувчи квалификация белгиларини чиқариш;
- айбловдан ортикча квалификация қилинган Жиноят кодекси моддаларини чиқариш;
- айбловнинг квалификациясини ўзгартириб, энгилроқ моддага квалификация қилиш;
- айбловдан айрим эпизодларни чиқариб ташлаш.

Шунингдек, суд процессида давлат айбловчиси иштирокининг муҳим хусусиятларидан бири, у нафақат давлат айбловини қувватлайди, балки айблов ўз тасдиғини топмаса қонунийлик, асослилик ва адолатлиликни таъминлаш замирида айбловдан воз кечиши ҳуқуқидир.

Ушбу масала ЖПКнинг 409-моддаси 4 ва 5-қисмларида белгиланган бўлиб, унда суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради ёки қўйилган айблов тўпланган далиллар билан тасдиқланмаган, деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва бунинг сабабларини судга баён қилиши шартлиги ҳамда уни судга баён қилиши тақдим этиши лозимлиги қайд этилган бўлсада, бироқ, давлат айбловчисининг айбловдан воз кечиш механизми ва ҳуқуқий оқибатлари тартибга солинмаган.

Таҳлилларга кўра, 2014 - 2015 йилларда судлар томонидан оқлов ҳукми чиқарилмаган, бироқ 2016 йилда 64 та иш 97 нафар шахсга нисбатан, 2017 йилда 123 та иш 188 нафар шахсга нисбатан, 2019 йил 7 ойида 47 та иш 86 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган<sup>11</sup>.

Судлар томонидан оқлов ҳукмини чиқаришнинг ўсиб бораётганлиги ЖПКда давлат айбловчисининг айбловдан воз кечиш билан боғлиқ нормаларини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Бу борада Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Қозоғистон Республикаси сингари ҳамдўстлик давлатларининг қонунчилигида бир қатор нормалар белгиланган.

Хусусан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 246-моддасига<sup>12</sup> асосан, агар суд муҳокамаси натижасида прокурор тақдим этилган далиллар судланувчига эълон қилинган айбловни тасдиқламайди, деган ишончга келса, у айбловдан воз кечади ва унинг сабабларини судга баён қилади. Давлат айбловчисининг айбловдан воз кечиши натижасида жиноят ишининг тугатилиши, шунингдек у томонидан айбловнинг ўзгартирилиши кейинчалик фуқаролик ишларини юритиш тартибида фуқаровий даъво қўзғатилиши ва кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

Шу билан бирга, айрим хорижий давлатлар қонунчилигида давлат айбловчисининг айбловдан воз кечганда жиноят ишининг тугатилиши учун жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ҳам айбловни рад этишлари талаб этилади.

Жумладан, Беларусь Республикаси ЖПКнинг 293-моддаси 8-қисмига<sup>13</sup> кўра, агар давлат айбловчиси айбловдан воз кечса, айбловдан шунингдек жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари

ҳам воз кечган бўлсалар, суд ўзининг ажрими (қарори) билан ушбу кодекснинг 29-моддаси 1-қисми 2-бандига асосан жиноят иши юритишни тугатади. Агар жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари айбловдан воз кечмасалар, суд муҳокамани давом эттиради ва ушбу кодексда белгиланган тартибда жиноят ишини ҳал этади. Бунда давлат айбловчиси суд муҳокамасида иштирок этишдан озод этилади, айбловни жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари қувватлайди.

Шунингдек, Украина Республикаси ЖПКнинг 340-моддасига<sup>14</sup> кўра, давлат айбловчиси судда давлат айбловини қувватлашдан воз кечса, раислик қилувчи жабрланувчига унинг судда айбловни қувватлаш ҳуқуқини тушунтиради. Агар жабрланувчи судда айбловни қувватлашга розилик билдирса, раислик қилувчи унга суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш учун вақт беради. Судда давлат айбловини қувватлашга розилик билдирган жабрланувчи суд муҳокамасида айблов тарафга берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади. Бунда жиноят ишини юритиш хусусий айблов асосида амалга оширилади. Ушбу кодексда белгиланган тартибда чақирилган жабрланувчи узрли сабабларсиз судга иккинчи чақирув бўйича келмаганлиги унинг айбловдан воз кечганига тенглаштирилади ва тегишли айбловлар бўйича жиноят иши тугатилишига олиб келади.

Худди шундай қоидалар Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 337-моддасида<sup>15</sup> ҳам белгиланган.

Фикримизча, қайд этилганлар асосида, давлат айбловчисининг айбловдан воз кечишининг ҳуқуқий оқибатларини тартибга солиш мақсадида ЖПКнинг 409-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиб, тўлдириш таклиф этилади:



“Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради, деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт. Тарафлар мазкур прокурорнинг фикри билан танишиш ҳуқуқига эга. Давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда, раислик қилувчи жабрланувчига айбловни қувватлаш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради. Агар жабрланувчи айбловни қувватлашга розилик билдирса, унга суд муҳокамасига тайёргарлик кўриш учун вақт беради. Судда айбловни қувватлашга розилик билдирган жабрланувчи суд муҳокамасида айблов тарафга берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади. Бунда жиноят ишини юритиш хусусий айблов асосида амалга оширилади. Ушбу кодексда белгиланган тартибда қақрилган жабрланувчи узрли сабабларсиз судга иккинчи чақирув бўйича келмаганлиги унинг айбловдан воз кечганига тенглаштирилади ва тегишли айбловлар бўйича ёки давлат айбловчиси айбловдан воз кечганда жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатилишига олиб келади.”


Шунингдек, давлат айбловчисининг айбловдан воз кечиш ёки айбловни ўзгартириш ҳақидаги нутқи асослангирилган тарзда суд тергови ва музокарасида баён қилинишига йўл қўйилади.

Мазкур моддага киритилаётган янги норма моҳиятидан келиб чиқиб, ЖПКнинг айрим моддаларига ўзгартириш киритиш лозим бўлади. Хусусан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда жабрланувчининг талабига асосан суд томонидан жиноят ишини юритиш хусусий айблов асосида амалга ошириш институтини киритиш лозим.

Л.Кокоревнинг қуйидаги фикри диққатга сазовор: “Инсон қайси касб эгаси бўлмасин, қай даражадаги мутахассис бўлмасин, агар унинг фаолияти асосида ахлоқий тамойиллар ётган бўлса, унинг фаолияти фойдали ва самарали бўлади”<sup>16</sup>.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат айбловчиси музокара нутқининг асослангирилганлиги ҳамда умум эътироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилганлигини нафақат давлат айбловини қувватлашнинг, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати, десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, мақолада келтирилган таклифлар қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга, давлат айбловининг сифатини оширишга хизмат қилади.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Капустянский В.Д. Судебные прения в уголовном судопроизводстве: от истории к современности // Российский судья. – Москва, 2005. -№6.
2. Б.Х.Пўлатов Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув кўлланма. –Т. 2004. 126Б.
3. Андреянов В.А. Обвинение в российском уголовном процессе: понятие, сущность, значение и теоретические проблемы реализации: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2009.С.56.
4. Б.Х.Пўлатов Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув кўлланма. –Т. 2004. 125Б.
5. Исаенко В.Н. Анализ доказательств прокурором в судебных прениях// Актуальные проблемы российского права. 2018. № 9 (94). С.221.
6. Иванкина Н.Н. Основы судебного красноречия(Риторика для юристов). Учебное пособие. М., 2001, С. 169.
7. Кожекин И.Н. Прокурор ваколатлари// Россия юстицияси, 2012. -№12. 12Б.
8. В.А.Лазарева. Участие прокурора в уголовном процессе: учебник и практикум для бакалаврита и магистратуры/ Научно-практическое пособие/ -М.: Издательство Юрайт, 2017. -152-153С.
9. Бош прокуратура жинойи суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармасининг танбеҳ хати. 09.11.2018 й. 12/6-18-07/126-8064
10. «Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации» от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 02.08.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2019) [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)
11. Бош прокуратураси ҳисоботи. Кўрилган жиноят ишлари юзасидан асосий кўрсаткичлар жадвали.
12. «Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации» от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 02.08.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2019) [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)
13. “Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь” 16 июля 1999 г. № 295-314. [http://etalonline.by/document/?regnum=hk9900295&q\\_id=799631](http://etalonline.by/document/?regnum=hk9900295&q_id=799631)
14. Уголовно-процессуальный кодекс Украины. <http://pravoved.in.ua/section-kodeks/79-upku.html>
15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1400000231>
16. Кокорев Л.Д., Котов Д.П. Этика уголовного процесса. Воронеж, 1993. С.5.



## ХАЛҚАРО ЮРИСТЛАР ИТТИФОҚИ: МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

*Миллатидан ва қайси мамлакатдан бўлишидан қатъи назар юридик маълумотга эга жисмоний шахслар ва ҳуқуқий жамоат бирлашмаларини ўзида бирлаштирадиган, мамлакатлар ҳуқуқий ҳамжамиятлари ўртасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича мақсадли вазифаларни амалга оширадиган Халқаро Юристар Иттифоқининг ташкил этилганлигига 30 йил тўлиши муносабати билан 2019 йилнинг 27 сентябрида Россия Федерациясининг Москва шаҳрида VII съезди бўлиб ўтди. Съезд билан бирга мазкур Иттифоқ ташкил этилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали юбилей санаси нишонланди.*

Ушбу VII съездда Ўзбекистон Республикасининг делегацияси таркибида 3 нафар делегат – Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси раиси вазифасини бажарувчиси Паррахат Айтниязов, Ассоциация аъзоларидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раиси Бахтиёр Исломов ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг раиси Акрам Шукуровлар иштирок этишди. Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси ушбу ташкилотнинг аъзоси сифатида 1997 йилдан эътиборан Халқаро Юристар Иттифоқи томонидан ташкиллаштирилладиган барча тадбирларда қатнашиб келмоқда.

Халқаро Юристар Иттифоқига ўзаро касбий манфаатлари асосида Россия Федерацияси, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Ўзбекистон

Республикалари, Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия, Франция, Испания, Янги Зеландия ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан 30 мингдан ортиқ юристар ва бир қанча жамоат ташкилотлари аъзо саналади.

Иттифоқ аъзолари юридик мутахассислик вакиллари, яъни, судьялар, адвокатлар, прокурорлар, нотариуслар, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатадиган ва давлат хизмати тизимида ишлайдиган юристар, ҳуқуқшунос-ўқитувчи ва олимлардан иборат. Халқаро Юристар Иттифоқи 1989 йилда ташкил этилган бўлиб, фаолияти доирасида юристарнинг йирик жамоат бирлашмаларини ҳам ўз ичига олади. Хусусан, Россия Халқаро ҳуқуқ Ассоциацияси, Халқаро денгиз ҳуқуқи Ассоциацияси, Криминологик Ассоциацияси, Россия минтақалараро

адвокатлар хайъати ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иттифоқнинг фаолиятини мақсадли ташкил этиш учун Иттифоқ раиси, Мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ижроия қўмита ҳамда Тафтиш кенгаши сайланади ва мазкур халқаро ташкилотнинг барча фаолияти Иттифоқнинг доимий комиссияларига аъзоларни кенг жалб қилган ҳолда юритилади. Халқаро Юристлар Иттифоқининг асосий вазифалари дунё ҳамжамиятида ҳуқуқий фуқаролик жамиятини шакллантиришга ҳисса қўшишга, жамиятда фуқаролик келишувига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқий ҳамжамиятларни бирлаштириш каби эзгу мақсадларга қаратилган.

Съездда ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Халқаро Юристлар Иттифоқи раиси нутқ сўзлади. Шундан сўнг иттифоқ фаолиятига оид ҳисобот, тафтиш хайъатининг ҳисоботи эшитилди. Уставига тегишли ўзгартириш киритиш масаласи ҳал этилгач иттифоқ раиси, мувофиқлаштириш кенгаши ва тафтиш хайъатининг таркиби сайланди.

Съездда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси делегацияси раҳбари – Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси раиси вазифасини бажарувчи Парахат Айтниязов ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

– Халқаро Юристлар Иттифоқи 1989 йилда ташкил этилган бўлиб, фаолиятини собиқ Совет иттифоқ ҳуқуқшуносларининг вориси сифатида ўз уставига асосан амалга оширади. Россия Федерацияси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо ва бошқа давлатларнинг умумий касбий манфаатлари асосида ҳуқуқшунослар ва жамоат бирлашмаларини бирлаштирган Халқаро Юристлар Иттифоқининг



съезд ва халқаро конференцияларида 15 йилдан буён қатнашиб келаман. Бир сўз билан айтиш мумкинки, бундай тадбирлар хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни ўрнатиш ва тажриба алмашишга имкон беради. Шунингдек, аъзо мамлакатларнинг Судьялар Ассоциациялари томонидан амалга оширилаётган янги лойиҳалар борасида ўзаро фикрлашиш учун ҳам қулай шароит яратади.

Тадбир доирасида бир қатор ташкилий масалалар ҳал этилди. Хусусан, мазкур съездда Халқаро Юристлар Иттифоқи аъзолигига “Қирғизистон юристлари” Ассоциацияси қабул қилинди.

Съездда кўтарилган ва муҳокамага қўйилган масалалар юзасидан Ўзбекистон делегацияси ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлади. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий давлатлар судларининг жамоат бирлашмалари билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинаётганлиги ҳам таъкидланиб, халқаро ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига ишонч билдирилди.

**Шерзод ДАМИНОВ**





## ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Илгор хорижий тажрибани ўрганиш – суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг ходимлари доимий равишда ўз малакаларини ошириш, хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида ривожланган мамлакатларга хизмат сафарларига боришади.**

**Судьялар олий мактабининг бир гуруҳ ходимлари 2019 йилнинг 7-20 август кунлари “Бир йўл бир макон” лойиҳаси доирасида Хитой Халқ Республикаси Судьялар Миллий институтида хизмат сафарида бўлиб қайтдилар.**

**Қуйида ушбу сафар таассуротлари билан яқиндан танишасиз.**



**Малика ҚАЛАНДАРОВА,**  
“Иқтисодий ҳуқуқ”  
кафедраси мудири:

– Хитой Халқ Республикасининг Молдова Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси судьялари учун илмий тадқиқот ишларига бағишланган семинарда (Миллий судьялар институти Гансу филиалида) Хитой суд тизими, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари юзасидан Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг ходимлари ўзаро тажриба алмашдик.

Семинарда фуқаролик, маъмурий, жиноий ва иқтисодий низоларни ҳал этишнинг механизмлари, Хитой ва Марказий Осиё давлатларининг инвестиция бўйича низоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар давомида Миллий судьялар институтида Марказий Осиё судьяларини ўқитиш, амалий машғулотлар ўтказиш ва келгусидаги ҳамкорлик бўйича умумий мавзуларда ҳам музокаралар бўлиб ўтди.

### ХИТОЙ МИЛЛИЙ СУД ТИЗИМИ

Хитойда умумий ва махсус судлар фаолият кўрсатади. Умумий бу Олий халқ суди ва уч босқичли маҳаллий халқ судлари, юқори, ўрта ва қуйи. Махсус судлар сифатида ҳарбий (уч босқичли – юқори, ўрта ва қуйи), денгиз (битта босқичли суд бўлиб, халқ судининг ўрта бўғини билан тенглаштирилган. Мазкур суднинг ҳукми устидан юқори босқичга шикоят қилиш мумкин. Ҳозирги кунда Хитойда 10 та денгиз судлари Хайкоу, Гунчжоу, Бейхай, Сямань, Нинбо, Шанхай, Йиндао, Далянь, Тяньцзинь, Ухань шаҳарларида мавжуд), интеллектуал мулк ҳуқуқи (халқ судининг ўрта бўғини билан тенглаштирилган бўлиб, Пекин, Шанхай ва Гуанжой шаҳарларида ташкил этилган), молиявий судларни (халқ судининг ўрта бўғини билан тенглаштирилган бўлиб, Шанхайда ташкил этилган) кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, 2017 йил августда Ханжоуда қуйи судлар билан мақоми тенглаштирилган Интернет судлари ҳам ташкил этилган бўлиб, 2018 йилга келиб Пекин ва Ганчжоуда ҳам мазкур судлар ташкил этилишига эришилган.

**Интернет судларига қуйидаги ишлар тааллуқли:**

- ✓ интернет орқали тузилган шартномалардан келиб чиқадиган низолар;
- ✓ интернетда муаллифлик ҳуқуқининг бузилишига оид низолар;
- ✓ интернетда бошқа шахсларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига тажовуз қилишдан келиб чиқадиган низолар;
- ✓ интернет дўконларида маҳсулотлар учун жавобгарликдан келиб чиқадиган низолар;
- ✓ интернетдаги домен номлари билан боғлиқ низолар;
- ✓ интернетни бошқариш жараёнида вужудга келадиган маъмурий низолар.

**ОЛИЙ ХАЛҚ СУДИ**



Олий суд ишларни биринчи инстанция сифатида кўради, шунингдек халқ судлари юқори инстанциясининг ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлари устидан апелляция шикоятларини, назорат тартибдаги ишларни кўриб чиқади, шунингдек юқори халқ судининг ўлим жазосини қўллаш ҳақидаги қарорларини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Олий суд ишни кўриш жараёнида қонунчиликни аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш юзасидан тушунтиришлар, шарҳлар беради. Олий суднинг шарҳи юридик кучга эга.

Халқ судлари ваколатлари доирасида ишларни кўриб ҳал этади. Шунингдек, халқ судлари суд иш фаолиятининг эҳтиёжларидан

келиб чиқиб суд фаолиятига кўмаклашувчи махсус муассасаларни ташкил этиши мумкин.

Судларда ишлар яқка тартибда ва коллегиял кўрилиши мумкин, бироқ барча маъмурий ишлар (оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган) коллегиял таркибда кўриб ҳал этилади.

Бундан ташқари, халқ маслаҳатчилари институти ҳам мавжуд бўлиб, улар фаолиятининг ҳуқуқий асоси 2018 йил 27 апрелдаги “Халқ маслаҳатчилари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинган.

**Мазкур Қонуннинг 5-моддасига кўра халқ маслаҳатчилари номзодлигига талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилган:**

- ✓ ХХРнинг Конституциясига оғишмай риоя қилувчи
- ✓ 28 ёшга тўлган
- ✓ намунали хулққа эга бўлган ХХР фуқароси
- ✓ ўз вазифаларини бажариш учун соғлиғи талабга жавоб бериши.

Халқ маслаҳатчиларининг таркиби қуйи халқ судлари томонидан шу даражадаги Халқ вакиллари йиғилишининг доимий кўмитасига тақдим этилади.

Халқ маслаҳатчилари коллегиял таркибда кўриладиган ишларда иштирок этади ва ўзининг мустақил фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ХХРда барча босқичдаги судларда суд комиссиялари ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларнинг вазифасига йирик, мураккаб ишларни ҳамда суднинг фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни муҳокама қилиш киради.

Бундан ташқари, Хитой Конституцияси турли хил миллат вакилларининг суд ишларини юритишда ўзининг она тилидан фойдаланиш ҳуқуқини назарда тутди. Масалан, 1987 йил Тибет автоном туманида тажриба тариқасида давлат органларида хитой ва тибет тиллари мақоми тенглаштирилган, кейинчалик расмий жиҳатдан тасдиқланган.



Хитойда 2013 йил декабрда халқ судларининг суд мажлислари тўғридан тўғри онлайн тарзда намоёниш этувчи интернет сайтлари ишга туширилди. Бу эса фуқароларга суд жараёнларини реал вақт режимида кузатиш имконини беради. Сайт Хитой Олий суди томонидан яратилган бўлиб, унинг мақсади аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва суднинг иш фаолияти ҳақидаги билимларини кенгайтириш, жойлардаги суд ишларининг юқори сифатига ва ошқоралигини таъминлашга эришиш, суд фаолияти устидан давлат ва жамоат назоратини амалга ошириш, фуқароларнинг суд тизими фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, интернет сайт орқали нафақат онлайн вақт режимида тўғридан тўғри суд мажлислари намоёниш этилиши мумкин, балки суд мажлисларининг видеоёзувлари билан ҳам танишиш мумкин.

Шунингдек, ХХР Олий суди томонидан суд ҳужжатларини ижро этмаётган, бироқ ижро этиш имконияти мавжуд, турли усуллар билан бундан бош тортаётган инсофсиз қарздорлар ҳақидаги маълумотлар ҳам эълон қилиб борилади. Мажбуриятларни бажармасликнинг усуллари сифатида мол-мулкни яшириш, бегоналаштириш, судга мурожаат қилиш ҳуқуқини суистеъмол қилиш, мол-мулк ҳақида маълумотларни тақдим этмаслик, истеъмол харажатларини камайтириш ҳақидаги кўрсатмаларни бажармаслик кабилар назарда тутилган. Инсофсиз

қарздорлар рўйхатига киритиш ҳақида халқ судлари ҳал қилув қарори қабул қилади ва қарздорга тақдим этилади ҳамда оммавий тарзда эълон қилинади.

### **Назокат БАЙЗАҚОВА,**

*Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази бош мутахассиси:*

– Мазкур хизмат сафаридан кўзланган асосий мақсад Хитой Халқ Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва амалиёти билан танишиш, судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ўрганиш, тажриба алмашиш, хусусан, суд тадқиқотлари институти фаолиятини ўрганиш, шунингдек, “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини белгилашдир. Ўқув дастурларида Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари суд тизими, низони ҳал этиш, Судьялар Миллий институтининг фаолиятини ўрганиш билан бир қаторда Хитойнинг ҳуқуқий маданияти билан ҳам танишдик.

Судьялар Миллий институти ҳузурида Суд қарорларини ўрганиш Маркази мавжуд бўлиб, Марказнинг вазифаси - кўриб чиқилган суд ишларини ўрганиш ва ҳуқуқий баҳо беришдан иборатдир. Тадқиқот ишлари нафақат судьялар, балки адвокатлар, олимлар томонидан ҳам амалга оширилади. Марказнинг бош мақсади - кўриб чиқилган ишларнинг илғор халқаро ҳуқуқий маълумотлар базасини яратиш, бир хил амалиётни шакллантириш учун тавсиялар бериш, ягона ҳуқуқий стандартни белгилаш, аниқ мажбуриятлардан қатъи назар ҳамда ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиш имкониятини берган ҳолда судьялар ихтиёрий ҳуқуқининг бажарилишини тартибга солиш, ҳуқуқий адолат ва холисликни рағбатлантириш қилиб белгиланган. Марказ томонидан бир неча сайтлар ташкил этилган бўлиб, унда тадқиқот мақсадида кўриб чиқилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар базаси яратилган. Марказ томонидан умумбашарий эътиборда бўлган ишлар ва ижтимоий ходисаларни ўз вақтида муҳокама қилиш ташкил этилган. Бундан ташқари, турли инстанция судлари таркибида кўриб чиқилган ишларни ўрганиш ва йўриқномалар билан шуғулланувчи кафедра фаолият кўрсатмоқда. Хитой суд тизими Романо-герман ҳуқуқ оиласига мансублиги, кўриб чиқилган ишлар бўйича



*Тўғрига раҳмат дегай эл,  
эгрига лаънат дегай,  
Тўғрининг қалби чароғу,  
эгрининг қалбида доғ.  
Эгрига бўлсанг яқин, эл  
эгри кўргайлар сени,  
Эгри кўзгу қайда кўрсат-  
гай бировни тўғри-соғ.*

**3. ҲАБИБИЙ.**

қабул қилинган қарорлар бошқа қарорларни қабул қилинишида асос бўла олмайди. Олий халқ судига бевосита бўйсунадиган Халқ суди нашриёти томонидан ҳар йили кўриб чиқилган ишларни таҳлил қилишга бағишланган китоблар (тўплам) чоп этилади. Олий халқ суди томонидан таҳлил асосида ишлаб чиқилган тавсиялар мунтазам равишда судьяларга етказиб борилади ва улар томонидан эълон қилинган таҳлил натижалари бўйича тавсиялар судьяларга қонунларни бир хилда қўллаш учун амалиёт вазифасини ўтайди. Университетларнинг кўплаб ҳуқуқшунослик факультетларида ҳар бир таҳлил натижаларини ҳуқуқий жиҳатдан чуқур ўрганиш ривожланиб бормоқда. Марказнинг таҳлил натижалари, яъни хулосалари интернет тармоқлари махсус сайтларига жойлаштирилган бўлиб, илмий ютуқлар илмий мақолалар шаклида шакллантирилади. Ушбу мавзуга бағишланган семинар ва маърузалар мунтазам равишда ташкил этилиб, ўқитувчилар ва судьяларнинг маърузалари тингланади. Марказда кўплаб илмий ютуқларга эга бўлган профессор ўқитувчилар, тажрибали судьялар, биринчи даражали адвокатлар фаолият юритади. Энг муҳими, университетларнинг ҳуқуқшунослик факультетларида ҳуқуқ бўйича тадқиқотлар билан шуғулланувчи мутахассислар сони жуда кўп бўлишига қарамасдан уларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Илмий тадқиқот институтлари қонунчиликда фаол иштирок этиб, кўпгина халқаро мулоқотларни ташкил этиб, халқаро мақомни босқичма босқич ошириб келмоқда. Судьялар учун суд мажлисларига кириш, суд қарорларини тайёрлаш ва суд жараёнида ёрдам бериш бўйича ёзувларни таҳлил қилиш учун масъул бўлган камида битта ёрдамчи тайинланади. Барча судьялар ўз фаолиятини ёрдамчи сифатида бошлайдилар. Ишни кўриб чиқиш жараёнида аризаларни, сўровномаларни, илтимосларни, фикр-мулоҳазаларни ва томонларнинг баҳс мунозараларини ёзиб олиш ишлари масъул бўлган котиб томонидан амалга оширилади. Иш кўриб чиқилганидан сўнг ёрдамчилар юқорида кўрсатилган ҳужжатларни тўплайдилар ва ҳисобот тузадилар. Суд жараёнига ёрдам бериш, ёзувларни таҳлил қилиш ва қарорларни тайёрлаш вазифаларининг бевосита судья ёрдамчиси томонидан амалга оширилиши ва судья ёрдамчисининг техник ишлардан расмий равишда озод эканлиги ушбу ёрдамчиларнинг келгусида судья сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Судьялар олий мактаби Миллий институт қошидаги юридик қарорларни ўрганиш марказининг фаолиятини янада чуқурроқ ўрганишдан манфаатдор.

## ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Қуанишбай ХОЖАМУРАТОВ,**  
*Судьялар олий мактабининг*  
*Иқтисодий йўналиши магистранти.*

Биз таҳсил олаётган Судьялар олий мактабида ўқув дастурлари назария билан амалиётни уйғунлаштирган ҳолда “Судьяни судья ўқитади” тамойили асосида пухта ташкил этилган. Шу ўринда мазкур жараёни янада такомиллаштириш ва тингловчиларнинг савиясини ошириш мақсадида дастурларга “Олий суд Пленуми қарорларининг мазмун-моҳияти ва уларни қўллаш асослари” фанининг киритилишини курсдошларим номидан таклиф сифатида киритмоқчиман.



Чунки, кодекслар билан тартибга солинмаган ёки баҳс-мунозараларга сабаб бўлган айрим норма ва вазиятлар юзасидан дуч келинадиган ҳолатларга Пленум қарорларида батафсил тушунтиришлар берилган.

Шу боис, таклиф этилаётган фан шу соҳанинг олимлари ва амалиётчилари томонидан ўқитилса, тингловчилар томонидан Пленум қарорларининг чуқур ўзлаштирилиши билан бир қаторда уларни муҳокама қилиш жараёнида қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифларнинг ҳам ишлаб чиқилишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ соҳасидаги, айниқса чет эл тажрибасига оид аксарият адабиётлар рус тилида чоп этилган. Шу билан бирга амалиётда суд ишларини ва ҳужжатларини рус тилида юритиш зарурияти ҳам вужудга келмоқда. Демак, ўқув дастурларига рус тили фанини ҳафтасига икки маротаба ўтказиш киритилса, тингловчиларнинг рус тилида суд жараёнларини олиб бориш ва суд ҳужжатларини тузиш кўникмаларини янада ошириш борасида асос яратиларди, деб ҳисоблайман.



**Комил СИНДАРОВ,**  
юримдик фанлар доктори

## ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИДА ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР: ТАҲЛИЛ ВА ҚИЁС

**Калит сўзлар:** Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, ва уларнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари.

**Мамлакат тараққиётини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири – илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ва уни доимий равишда ривожлантириб бориш бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда энг ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибаси буни тўлалигича исботлаб беради. Осиё қитъасида жойлашган бир қатор мамлакатлар жумладан, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва бошқа мамлакатлар тараққиёт тарихи бунга амалий мисол бўла олади.**

**Ўзбекистон тараққиётининг янги, юксалиш босқичи деб эътироф этилаётган бугунги кунда илмий тадқиқот ишларига, инновацион лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.**

Маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кучайтиришда илм-фаннинг ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришнинг самарали механизмларини яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, илмий-тадқиқот ишлари деганда маълум бир вақт ичида янги техникани техник жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун олиб бориладиган изланиш, назарий ва эксперимент олиб бориш тушунилади. Илмий-тадқиқот ишлари фундаментал (янги билимларни олиш) ва амалий (аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун янги билимларни қўллаш)га бўлинади.

Илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун шартноманинг асосий шarti – бу аниқланиши мумкин бўлган предметдир. Шу билан унинг аниқлик даражаси иш турига қараб фарқланади:

– *илмий-тадқиқотлар табиатан кўпроқ мавҳум характерга эга;*

– *тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар янада аниқроқ (муайян техник ечимларга, иқтисодиётда ишлатиладиган маҳсулотларнинг аниқ намуналарини яратишга қаратилган).*

Илмий-тадқиқот ишлари бўйича шартнома ни бажаришнинг асосий мақсадларидан бири бу янги натижаларни яратишдир. Буларга янги илмий тадқиқотлар, янги технологиялар ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Иқтисодиёт фаолиятининг бошқа соҳаларида бўлгани каби инновацион фаолиятларда ҳам иштирокчилар ўртасидаги муносабатларнинг асосий шакли шартнома ҳисобланади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-моддасига асосан илмий-тадқиқот ишларининг шартномавий-ҳуқуқий асоси пудрат шартномаси сифатида белгиланган.

Бугунги кунда қонунчиликда инновацион шартнома тушунчаси мавжуд эмас. Илмий адабиётларда инновацион шартнома ҳақида анча қизғин мунозаралар мавжуд. Лекин, барча ҳуқуқшунослар ҳам бундай тушунча мавжудлигига ишонмайди. Масалан, М.В. Волькинининг фикрича, Россиянинг иқтисодий қонунчилиги ва биринчи навбатда Россия Федерациясининг Фуқаролик кодекси доирасида “инновацион муносабатларни жуда шартли ва умумий деб аташ мумкин, шунинг учун инновацион шартномалар мавжуд эмас”. Т.В. Ефимцева, аксинча инновацион фаолиятни ифодалайдиган шартномаларни икки омилга қараб бирлаштиради: 1) ҳуқуқий муносабатлар ривожланаётган объектнинг ҳуқуқий хусусиятларининг ўзига хослиги; 2) Объектларни яратиш, тарқатиш, улардан фойдаланиш жараё-

нига қўйиладиган махсус талаблар . Ростдан ҳам “инновацион шартномалар” тушунчаси шартли бўлиб, у ўзида инновацияларни амалга ошириш, тартибга солиш ҳамда илгари суриш жараёнида тузилган шартномаларни бирлаштиради.

Инновацион шартномаларнинг биринчи гуруҳига олимлар одатда, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни бажариш учун тузиладиган шартномаларни назарда тутати. Бундай шартномалар инновацион деб ҳисобланади, чунки инновация белгиларидан бири бу технологик янгиликдир.

М.В. Волынкина қайд этганидек, адабиётларда “инновация” тушунчасига қандай таърифлар берилмасин, унинг асосий ва етакчи белгиси янги билимларни яратиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, уни амалга ошириш кўламадан қатъи назар, қолади .

Инновацион шартномаларнинг иккинчи гуруҳига одатда алоҳида ҳуқуқларнинг интеллектуал фаолияти натижаларига ўтказадиган шартномаларни назарда тутиш мумкин.

Ушбу турдаги инновацион шартномаларни фақат интеллектуал фаолият натижаларига ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, интеграл микросхемалар топологиялари, маълумот базалари, ноу-хау, компьютер дастурлари кўринишидаги алоҳида ҳуқуқларни беришга қаратилган шартномаларни қайд этиш мумкин.

Инновациялар соҳасидаги шартномаларнинг учинчи гуруҳига:

- *илмий ва техник маҳсулотларни яратиш бўйича шартномалар;*
- *илмий адабиётларда белгиланганидек, инновацион маҳсулотларни топшириш, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш учун жорий этиладиган алоҳида йўналишидаги муҳандислик хизматларини кўрсатиш учун шартномалар;*
- *бозорда инновацияларни чиқариш билан боғлиқ маркетинг хизматларини кўрсатиш шартномалари кирати.*

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ инновацион шартномалар тушунчаси фуқаролик қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлиб, бундай турдаги шартномалар илмий-тадқиқот ишларининг шартномавий-ҳуқуқий асосларининг янги турдаги конструкцияси ҳисобланади.

Россия Федерацияси Фуқаролик кодексига илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишларининг шартномавий-ҳуқуқий асоси алоҳида шартнома сифатида белгиланган. Худди шундай, Белоруссия ва Украина Республикаларининг Фуқаролик кодексига ҳам илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишларининг шартномавий-ҳуқуқий асоси пудрат шартномаси сифатида белгиланмаган.



Фуқаролик кодексининг 693-моддасига кўра, илмий-текшириш ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (ижрочи) буюртмачи берган вазифада кўрсатилган илмий текширишларни амалга ошириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича эса — янги буюм намунасини, унга тегишли конструкторлик ҳужжатларини, янги технологияни ишлаб чиқиш ёки намуна нусхасини тайёрлаш мажбуриятини олади. Бунда буюртмачи пудратчига (ижрочига) техникавий топшириқ бериш, ишни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 698-моддасида илмий-текшириш ишлари ёки тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларга риоя этиши шартлиги белгиланган.

Шартнома предметининг ўзига хос хусусияти натижасида номоддий объектга эга бўлган ишларни бажариш – интеллектуал фаолият натижаси бўлиб, улар интеллектуал мулк объектларининг бир тури ҳисобланади.

Таҳлиллар давлат илмий-техник дастурлари амалий ва тематик илмий тадқиқотлар, шунингдек, инновацион ишланмалар бўйича лойиҳаларни бажариш тўғрисидаги шартномаларни тузиш, бажариш ва ўзгартириш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Аввало, шартноманинг субъектлари масаласига аниқлик киритиш талаб этилади. Амалда шартномада бир томондан буюртмачи - Инновацион ривожланиш вазирлиги, иккинчи тарафдан лойиҳа раҳбари, учинчи тарафдан ижрочи - тегишли илмий-тадқиқот муассасаси иштирок этади. Бизнингча, иккинчи тараф лойиҳа муаллифлар жамоаси бўлиши ва жамоа номидан шартномага имзо қўйиши лозим.

Шартноманинг 3.1 - банди буюртмачининг мажбуриятларини тўла қамраб олмаган. Бизнингча, шу бандга буюртмачининг бажарган ишлари натижаларини қабул қилиб олиш ва шартномада

кўрсатилган муддатларда унинг ҳақини тўлаб бериш, ижрочиға ишларни бажариш учун зарур маълумотларни тақдим этиш мажбуриятларини киритиш мақсадга мувофиқ. Худди шундай шартноманинг 3.2-бандини ижрочининг шартнома бўйича ажратилган пул маблағларини ўз вақтида иш ҳақи ва бошқа ҳаражатлар учун сарфланишини таъминлаш мажбурияти билан тўлдириш лозим. Бу эса ўз навбатида лойиҳа муаллифлар жамоасининг вақтида иш ҳақи ва тегишли шарт-шароитларга эга бўлишини таъминлайди ва лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини кафолатлайди.

Бундан ташқари, шартноманинг 3.2.13 - бандида ижрочининг лойиҳа доирасида ажратилган бюджет маблағларини белгиланган тартибда ва миқдорда ижрочи ташкилотнинг илмий лаборатория базасини яхшилашга йўналтириш мажбурияти кўзда тутилган. Бу қоида лойиҳа учун ажратилган давлат маблағларининг мақсадсиз сарфланишига имкон беради. Негаки, лойиҳа муаллифлар жамоаси “ижрочи” ташкилот ходимларидан ва четдан жалб этилган мутахассислардан таркиб топади. “Ижрочи” ташкилот раҳбари лойиҳа учун ажратилган маблағни муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфлашга имкон беради. Натижада лойиҳа муаллифларининг моддий манфаатдорлиги йўқолиб, лойиҳанинг бажарилиши хавф остида қолади.

Шартноманинг 7.5 - бандида шартнома бўйича лойиҳани бажарилиши учун сотиб олинган асбоб-ускуналар, қурилмалар иш бажарилгандан сўнг “Ижрочи” балансида қолдирилиши белгиланган. Бундай қоида ҳам ўз ўрнида лойиҳа иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид равишда киритилган. Чунки, давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади ва лойиҳани бажариш учун сотиб олинган асбоб-ускуналар, қурилмалар ушбу ажратилган маблағ ҳисобидан олинади. Шу сабабли лойиҳа доирасида олинган асбоб-уску-

налар ва қурилмалар лойиҳа муаллифлари ўртасида тақсимланиши ёки улар натура ҳолида “ижрочи”да қолдирилган тақдирда қоплаб берилиши лозим.

Бундан ташқари, лойиҳа юзасидан тузилдиган шартномада ушбу шартномани бажариш жараёнида юзага келган келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилиниши, агарда ўзаро келишув таъминланмаган ҳолда келишмовчиликлар даъвогар жойлашган ҳудуддаги тегишли судда ҳал қилиниши назарда тутилган. Бироқ, шартномада белгиланган бу қоида ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби қисмида белгиланган “Ижрочи” томонидан лойиҳа “Буюртмачи” билан келишилган техник топшириқ ва календар режа доирасида бажарилмаганлиги аниқланса, оралиқ босқич ҳужжатлари ва ҳисоботлар белгиланган талаблар даражасида расмийлаштирилмаса ҳамда ўз муддатларида топширилмаса, бундай ҳолатларда “Буюртмачи” қарори билан молиялаштириш тўхтатилади ва шартнома бекор бўлади деган қоидага қарама-қарши тарзда қайд этилган.

Шартноманинг ушбу қоида билан “Буюртмачи”га шартномани бир томонлама бекор қилиш бўйича мутлоқ ваколат тақдим этилмоқда. Бу эса ўз навбатида шартноманинг иккинчи тарафи манфаатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддаси талабларига зид бўлади. Шу билан бирга шартномада томонларнинг жавобгарлиги аниқ белгиланмаганлиги оқибатида шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда айбдор томонни жавобгарликка тортиш имкониятини йўққа чиқаради. Шу сабабли шартноманинг 5-бўлими “Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун “буюртмачи”, “ижрочи” ва лойиҳа муаллифлар жамоаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади” деган банд киритиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, шу бўлимга ижрочининг мажбуриятларини бажаришни кечиктирганлиги учун, буюртмачининг шартнома бўйича ҳақ тўлашни кечиктирганлиги учун жавобгарлик (пеня) ни назарда тутувчи банд киритилиши мажбуриятларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Қайд этилганларга асосан илмий-тадқиқот ишларининг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги хулосаларга келинди:

**Биринчидан,** илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари бўйича янги конструкцияларни ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига инновацион шартнома тури ва тушунчасини акс эттириш.



Ушбу турдаги шартномаларнинг асосий мақсади инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш этиб белгилаш таклиф этилади;

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида асосан илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари бўйича шартномалар пудрат шартномалари сифатида белгиланган.

Аслида, бундай турдаги шартномалар интеллектуал фаолият натижаси бўлиб, улар интеллектуал мулк объектларининг бир тури ҳисобланади. Шу сабабли, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари бўйича шартномаларни пудрат шартномаларидан ажратиш, алоҳида шартнома тури сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгилаш фикри илгари сурилади (Россия Федерацияси, Белоруссия ва Украина Республикалари тажрибасидан келиб чиқиб).

**Учинчидан**, мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, уни янги босқичга кўтаришни ҳозирги замоннинг ўзи тақозо этаётганини инобатга олиб, барча давлат ва бошқарув органларида илмий-тадқиқот билан шуғулланадиган, янги технологияларни яратиш вазифасини бажарадиган илмий-тадқиқот ташкилотларини (марказларини) ташкил этиш (АҚШ ва бошқа илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда);

**Тўртинчидан**, давлатнинг фан ва илмий-тадқиқот сиёсатини аниқ белгилаб бериш, илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг самарали механизмини яратиш мақсадида, шунингдек илмий-тадқиқот ишларининг шартномавий-ҳуқуқий асосларини ўзида мужассам этадиган бу борадаги илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш тўғрисидаги тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ (Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси қонунчилиги тажрибаси асосида);

**Бешинчидан**, илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш, бундай фаолият билан шуғулланадиган ташкилотларнинг иш стимулини янада кучайтириш мақсадида амалий ва инновацион, илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш бўйича тузиладиган шартномалардан барча турдаги ундириладиган солиқлардан озод этиш таклиф этилади (Россия Федерацияси Солиқ кодексининг 149-моддаси тажрибасидан келиб чиқиб);

**Олтинчидан**, давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалда тузиладиган шартномаларнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, уларда тарафларнинг ўрни, мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш, иштирокчиларнинг бажариладиган ишнинг якуний натижасидан манфаатдорлигини ошириш, шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шартномани тузиш, бажариш ва ўзгартириш асосларини такомиллаштириш талаб этилади.

### Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (Иккинчи қисми). (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон).
2. Сергеев А.П., Толстой Ю.К. Гражданское право. Учебник.- М., 2013, с 358.
3. Федеральный Закон "О науке и государственной научно-технической политике" от 23 августа 2006 года //http://docs.cntd.ru/document/9028333.
4. [https://studbooks.net/1155013/pravo/dogovor\\_na\\_vypolnenie\\_nauchno-issledovatel'skih\\_rabot](https://studbooks.net/1155013/pravo/dogovor_na_vypolnenie_nauchno-issledovatel'skih_rabot).
5. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части второй (постатейный) (под ред. Т.Е. Абовой, А.Ю. Кабалкина) включен в информационный банк согласно публикации - Издательство «Юрайт», 2004.
6. Коваль Д.В. Интеллектуальная собственность: конституционно-правовой аспект // Конституционное и муниципальное право, 2013, №8, с 28.
7. Андреева Л.Р. Существенные условия договора: споры, продиктованные теорией и практикой // Хозяйство и право, 2012, №12, с.46.
8. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть вторая) от 26.01.1996 N 14-ФЗ // [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_9027/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_9027/).
9. Писенко К.А. Охрана объектов исключительных прав публично-правовыми средствами антимонопольного законодательства и законодательства об интеллектуальной собственности как механизм стимулирования инновационной деятельности // Российская юстиция, 2010, №1, с83.
10. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: общие положения. 2-е изд. М., 2000. С. 14.
11. Волынкина М.В. Российское инновационное законодательство: проблемы и перспективы // Законодательство. 2005. № 10.
12. Ефимцева Т.В. Инновационная деятельность как объект правового регулирования. М., 2008. С. 171–172.
13. Закон "О коммерциализации результатов научной и (или) научно-технической деятельности" от 31 октября 2015 года № 381-V ЗПК// Содержание Подробнее: [https://kodeksy-kz.com/ka/o\\_kommertsializatsii\\_rezultatov\\_nauchnoj\\_i\\_nauchno-tehnicheskoy\\_deyatelnosti.htm](https://kodeksy-kz.com/ka/o_kommertsializatsii_rezultatov_nauchnoj_i_nauchno-tehnicheskoy_deyatelnosti.htm).

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Писенко К.А. Охрана объектов исключительных прав публично-правовыми средствами антимонопольного законодательства и законодательства об интеллектуальной собственности как механизм стимулирования инновационной деятельности // Российская юстиция, 2010, №1, с83.
2. Коваль Д.В. Интеллектуальная собственность: конституционно-правовой аспект // Конституционное и муниципальное право, 2013, №8, с 28.
3. Волынкина М.В. Российское инновационное законодательство: проблемы и перспективы // Законодательство. 2005. № 10.
4. Ефимцева Т.В. Инновационная деятельность как объект правового регулирования. М., 2008. С. 171–172.
5. Волынкина М.В. Российское инновационное законодательство: проблемы и перспективы // Законодательство. 2005. № 10.



**Қамбариддин МЕХМОНОВ,**  
юримдик фанлар бўйича  
фалсафа доктори,  
Тошкент давлат юримдик  
университети Фуқаролик  
хуқуқи кафедраси доцентни  
вазифасини бажарувчиси

## СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:

# МУАММО ВА ЕЧИМ

**Илгари инсонлар ўртасидаги муносабатларда асосан турли хат ёзишмаларидан кенг фойдаланилган бўлса, ҳозирда телефон сўзлашувлари, SMS хабарлар, электрон ахборот алмашинуви, виртуал ахборотлардан фойдаланиш кабилар ҳаётимизга шиддат билан кириб келди. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий маҳсулотларни жорий қилиш ва ривожлантиришга оид қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ушбу соҳани жадал ривожлантиришга имкон бермоқда. Мазкур соҳанинг ривожланиш даражаси бу борада зарур қонунчиликни шакллантиришни, мавжуд қонунчиликни давр талабига, ривожланишига боғлиқ равишда такомиллаштиришни тақозо қилади.**

Ўзбекистон Республикасида судлар фаолиятида ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этишнинг хуқуқий асослари яратилган ва доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Айни пайтда судларга даъво аризалари, илтимосномалар ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни электрон маълумот алмашиш воситалари ёрдамида муомалада бўлиш имконини берадиган судларда электрон ҳужжат алмашишини, суд муҳокамаси иштирокчиларини электрон маълумот алмашиш воситалари ёрдамида хабардор қилиш, суд муҳокамаси иштирокчиларига суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни электрон маълумот алмашиш тизими йўлга қўйилган. Айниқса, суд ишларини судьяларга электрон тизим орқали тақсимлашнинг йўлга қўйилганини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан суд фаолиятида ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш дастури тасдиқланиб, унда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш инфраструктурасини яра-

тиш, ахборот тизимларини яратиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ходимлар ма-лакасини ошириш назарда тутилди.

Судьяларнинг, судлар ходимларининг компьютер саводхонлиги даражасини ошириш ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш, ишда замонавий компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича уларни аттестациядан ўтказиш, миллий ахборот тизими доирасида интеграциялаштирилдиган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ахборот ресурслари сонини кўпайтириш, кўрсатиладиган интерактив хизматлар сифатини ошириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек электрон ҳужжатлар айланишининг хавфсиз тизимларини жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида мавжуд бўлган алоҳида сегмент сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ахборот коммуникация технологиялари иқтисодиёт тармоғининг муҳим бир қисми бўлиб ҳисобланади. Гарчи сиртдан қараганда бу йиғма тушунча сифатида кўринсада, бироқ, ўзи мустақил аҳамиятга эга бўлган, барча жойда мавжуд ҳамда ҳар жойга кириб борувчи субстан-


циядир. Хусусан, суд ишларини юритиш жараёнида ахборот коммуникация технологияларини жалб қилиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ахборот-коммуникация технологияларига оид муносабатларни тўлақонли ва тизимли равишда тартибга солиш имконини берувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас. Мавжуд қонунчилик базаси тарқоқ, фрагментарлик, маҳаллийлик хусусиятига эга бўлиб, қонун ости ҳужжатлари шаклида, олий юридик кучга эга бўлишини таъминламайди. Ушбу соҳани ҳуқуқий таъминлаш соҳавий тамойил ёки давлат маблағларини мақсадли йўналтириш асосида таъминланмоқда. Камчиликлардан бири бу уларнинг норматив-ҳуқуқий майдонда ёпиқлигида бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ўзига хос масалаларни кун тартибига қўяди. Ҳозирги кунда ва келгусида судьяларга бериладиган электрон рақамли имзо (ЭРИ) ким томонидан ва қачон берилади, деган ўринли савол туғилади. Фикримизча, судьяларга бериладиган ЭРИ судьялик лавозимига тайинланганлиги ҳақида тегишлилиги бўйича (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Сенати, Судьялар Олий Кенгаши) ҳужжат қабул қилиниши билан бир вақтда тақдим қилиниши, лавозимдан озод қилинганлиги ҳақида ҳужжат қабул қилиниши билан эса, ЭРИ тугатилиши лозим. Ушбу ЭРИ суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларга қўйилиши унинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш имконини берган бўлар эди.

Электрон суд иш юритуви АҚШда 80-йилларда бошланган ҳолда 90-йилларга келиб пилот лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилган. Суд ҳужжатлари билан танишиш имконини берувчи ушбу тизимдан фойдаланиш ҳақ эвазига амалга оширилган. Тегишли тўлов эвазига ҳужжатларга кириш, нусха олиш, кўпайтириш, нашр қилиш ҳамда бир вақтнинг ўзида бир неча ҳужжатлардан фойдаланиш имконини берган.


2010 йил 24 майдан бошлаб Австралия суди аризаларни беришнинг электрон тизимини eLodgment жорий қилди. Суд жараёнини ўтказиш учун зарур бўлган видеоконференц алоқа миллий тизимини ҳам қўллаб бошлади. Бу эса, вақт, суд жараёни учун кетадиган харажатларни камайтириш ва суд жараёнини самарали ташкил этиш имконини берган. Ушбу тизимдан фойдаланиш ҳақ эвазига амалга оширилади.



Фикримизча, суд ишларини юритишни ташкил этишда иккита яъни, техник-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий масалани ҳал қилиш зарур. Техник-иқтисодий масалалар бевоқиф судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишда моддий-техник таъминотни амалга оширишни талаб қилади. Шунингдек, суд иш юритувида дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни таъминлаш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Тўғри, бу борада хорижий мамлакатларда муайян тажриба яратилган. Бироқ, уларни бизнинг ҳуқуқий тизимимизга тўғридан-тўғри чуқур ўйламасдан жорий этиб бўлмайди. Мавжуд дастурий тизимлар, уларда ҳал қилинадиган масалалар аниқлаб олинмоғи, ушбу дастурий тизимларга қўйилладиган техник топшириқлар, хавфсизлигига доир талаблар мавжуд бўлиши лозим.

Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ҳуқуқий таъминлаш, бу борада аввало, концепцияни шакллантириш ва ривожлантириш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни амалга ошириш ва бошқа ҳуқуқий чораларни кўришни тақозо қилади.

БМТ Тараққиёт дастури Олий суд билан ҳамкорликда ҳозирда электрон суд ишларини юритиш «E-Sud» тизимини жорий этмоқда. Ушбу тизим судлар фаолияти жараёнини самарадорлигини таъминлашга имконият беради. Шунингдек, судлар фаолияти шаффофлигини таъминлашга ҳамда ишларни чуқур таҳлил қилишга имкон беришга шароит яратади.



«E-Sud» миллий ахборот тизими фаолиятидан катта натижалар кутилмоқда. Бироқ, аксарият тартибот, фойдаланиш, ишлаш жараёни йўриқнома, қўлланмалар билан амалга оширилмоқда. Бу эса, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тўлақонли таъминлаш имконини бермайди. Масалан, судга мурожаат қилишда мурожаат қандай амалга оширилиши, талаб қилинадиган ҳужжатлар, давлат органларидан автоматик тарзда олинishi мумкин бўлган ахборотлар, судга мурожаат қилингандан кейинги ҳаракатлар босқичлари қандай бўлиши ва ҳ.к. ҳақида муайян тартиб мавжуд эмас.

**Фикримизча, мазкур тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилиши ва унда:**

➤ суд ҳужжатини дастлабки рўйхатдан ўтказиш;

➤ суд қарорлари, ажримлари (ҳужжатларидан) фойдаланиш имкониятини яратиш;

➤ суд ишларини судьялар ўртасида тақсимлаш. Мазкур жараёнда интеллектуал мезон ҳам бўлмоғи зарур. Чунончи, низо доираси, судьянинг ихтисослашуви, судлар ўртасида ишни тенг ва тўғри тақсимлаш, судьянинг иш режаси;

➤ ишни кўриш яъни, судья томонидан ишни кўриб чиқиш жадвалини яратиш;

➤ суд ишларини кўриб чиқиш натижаси бўйича суд ҳужжатларини яратиш ва рўйхатдан ўтказиш. Мазкур жараён шунингдек, суд ҳужжатларини яратиш, суд қарорларини рўйхатдан ўтказиш, ижро ҳужжатларини бериш, илтимосномаларни рўйхатдан ўтказиш, ҳужжатларни, хабарномаларни чоп этиш,

почта ҳужжатларини шакллантириш ва бошқалар;

➤ суд ишларини кўриш мониторингини ва назоратини олиб бориш. Бунда тегишли таҳлилий маълумотларни шакллантириш, иш кўриш муддатларига риоя қилинишини текшириш, судьялар юкламалари таҳлилин олиб бориш ва бошқалар назарда тутилиши мумкин;

➤ суд статистикасини турли мезонлар бўйича (талаб доирасида) юритиш;

➤ суд ҳужжатларини жўнатиш. Яъни, судлар ўртасида суд ҳужжатларини жўнатиш тизимини яратиш, суд ишларини архивга топшириш, суд иштирокчиси ва суд ўртасида электрон ҳужжат алмашилишини таъминлаш;

➤ суд иш юритиши билан боғлиқ бошқа имкониятларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, суд ишларини юритишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни зўрма-зўраки тарзда амалга оширилмаслиги лозим. Масалан, судга тақдим қилинадиган ҳужжатларни сканерлашни фуқаро зиммасига юклаб бўлмайди. Тегишли ишни кўриш жараёнида суд сўровига асосан, давлат интерактив хизматлари доирасида керакли электрон ҳужжатлар давлат органлари, ташкилот, муассасалардан олиш имконияти яратилмоғи зарур. Суд иш юритувида фойдаланиладиган электрон ахборот тизими турли суистеъмолликлардан, жумладан зарар келтирувчи компьютер вирусларидан, ҳужжатларни ўзбошимчалик билан ўзгартириб юборилишидан (санкцияланмаган ҳаракатларни амалга ошириш), компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишдан ва бошқа ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланмоғи лозим.

Судлар фаолиятида ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш муайян ҳуқуқий асосга эга бўлиши талаб қилинади. Бунда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилишдан бошлаб токи, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кириб, унинг ижроси таъминланишигача бўлган даврни қамраб олувчи жараён ҳуқуқий тартибга солиниши зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. [www.Pacer.gov](http://www.Pacer.gov).
2. [www.elodgement.fedcourt.gov.au/](http://www.elodgement.fedcourt.gov.au/)

# ҚОЗИЛИК ИШЛАРИНИНГ ДАСТУРИГА АЙЛАНГАН МАКТУБ

*Барча қозилар ва қозилик ҳақида китоб ёзганлар учун асосий дастур бўлиб келаётган тарихий бир ҳужжат бор. Бу ҳужжат “Умар ибн Ҳаттобнинг Абу Мусо ал-Ашъарийга мактуби” деган ном билан машҳур. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида улуғ саҳобий Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу вилоятлардан бирида қози бўлганлар. Ана ўшанда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳуга ушбу машҳур мактубни ёзганлар. Мазкур мактуб кейинчалик қозилик ишларининг дастурига айланиб қолган.*

Умар ибн Ҳаттоб Абу Мусо ал-Ашъарийга шундоқ ёзганди: “Аммо баъду: “Албатта, қозилик ишлари муҳкам фарздир ва бардавом суннатдир. Қачон сенга ҳужжат келтирилса уни яхши фаҳмлаб ол. Ҳақ равшан бўлган чоғда уни юзага чиқар. Ўтмайдиган ҳақ учун (орага тушиб) гапириш манфаат бермайди. Икки томон орасида юзингни, мажлисингни ва адолатингни бир хил қил. Токи, шараф сенинг жаврингга тамаъ қилмасин ва заиф сенинг адолатингдан ноумид бўлмасин. Даъвогарлик қилганга ҳужжат келтириш, инкор қилганга қасам ичиш лозим бўлади. Мусулмонлар орасида сулҳ жоиздир. Магар ҳаромни ҳалол қилган, ҳалолни ҳаром қилган сулҳ жоиз эмас. Кеча чиқарган ҳукмнинг уни ўзингча қайта кўриб, тўғрилиққа ҳидоят қилиниб, сўнгра ҳаққа қайтишингдан манъ қилмасин. Чунки, ҳақ қадимийдир. Ҳаққа қайтишлик ботилда бардавом бўлишдан яхшидир. Китоб ва суннатдан сенга етмаган, қалбингни ҳижил қилган нарсани яхшилаб фаҳмлашга урин. Бир-бирига мисл ва ўхшаш бўлган нарсаларни яхшилаб таниб ол. Сўнгра ўшанга биноан бошқа ишларни қиёс қил. Ишларнинг Аллоҳга энг маҳбубига ва сенинг кўз қарашингга ҳақиқатга энг яқинига қасд қил. Ким ҳужжат келтиришни даъво

қилса, унга етарлича вақт бер. Агар у ҳужжат келтирса, ҳаққини олур. Магар унинг зиддига ҳукм чиқарасан. Албатта ўшандоқ бўлиши ноаниқликни йўқотувчи ва узрни ўтказувчи ҳудуддир. Мусулмонлар бир бирлари учун одилдирлар. Магар ҳадд урилган ёки ёлғон гувоҳлик ила мужарраб бўлган ёхуд бировнинг уруғига ўзини нисбат беришда муттаҳам бўлган бундан мустасно. Албатта, Аллоҳ ички сирларни билишни Ўзига олган ва сизга ҳужжатларни қайтарган. Зинҳор одамлар орасида беҳаловат, зажрли ва озорланувчи бўлма. Яна Аллоҳ ажр берадиган ва захираси яхши бўладиган ҳақ жойларда хусуматчилардан ўзингни беркитма. Чунки, ким ўзи билан Аллоҳ орасида ўз зарарига бўлса ҳам ниятини яхши қилса, Аллоҳ у билан одамлар орасини яхши қилиш кафолатини олади. Ким Аллоҳ билиб турган нарсани беркитиб, одамлар учун зийнатланса, Аллоҳ уни хунук қилиб қўяди. Бас шундоқ экан Аллоҳ азза ва жалла ризқи азалида ва раҳмат хазинасида ўзгартиб қўйган савоб ҳақида нима дея олар эдинг. Вассалому алайка”.

**Islom.uz сайтидан олинди.**



**Илхом НАСРИЕВ,**  
заведующий кафедрой  
«Гражданское право»  
Высшей школы судей,  
доктор юридический  
наук, профессор

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА: СПОСОБЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ

**Принятие распоряжения Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан» от 5 апреля 2019 года № Р-5464 послужил импульсом для дальнейшего совершенствования гражданского законодательства.**

В настоящее время существенно смягчена процедура реализации заложенного движимого и заложенного недвижимого имущества и у залогодержателя заложенного движимого имущества есть возможность использования значительно большего числа способов реализации заложенного имущества.

**Правовое регулирование отношений по залогу должно в максимально возможной степени:**

- поддерживать баланс между часто непримиримыми интересами залогодателя и залогодержателя,
- учитывать интересы третьих лиц, в целях исключения возможности злоупотреблений со стороны залогодателей и залогодержателей посредством залога максимально большого количества имущества в обеспечение исполнения обязательств, либо вообще еще не возникших либо по своему размеру существенно меньших, чем стоимость заложенного имущества,
- обеспечивать равенство залогодержателей.

Поскольку залог рассматривается действующим законодательством как обременение, которое может затрагивать права и интересы третьих лиц, законодательство должно достаточно подробно регулировать соответствующие отношения, с тем, чтобы ликвидировать очевидные пробелы в правовом регулировании этих отношений.

Вместе с тем необходимо определить пределы императивного регулирования залоговых отношений, предоставив сторонам залога возможность самим уста-

навливать соответствующее правовое регулирование. Следует, однако, учитывать, что на стадии заключения договора залога будущий залогодержатель (кредитор по основному договору) является часто потенциально сильной стороной, имеющей возможность «навязать» те или иные условия залогодателю. И, напротив, на стадии обращения взыскания и реализации заложенного имущества, залогодержатель становится стороной, «страдающей» от императивного регулирования.

Представляется, что при совершенствовании законодательства о залоге необходимо исходить именно из этих принципов, сохраняя баланс интересов всех заинтересованных лиц.

Кроме того, следует привести в соответствии между собой все действующие в Узбекистане законодательные акты, регламентирующие отношения по залогу и об ипотеке, рассматривая при этом ГК РУз как законодательный акт, закладывающий основу для регулирования соответствующих отношений.

